5. Turkistan calendar for 1919. - Tashkent: Publication of the commissariat of Public education of Turkistan Soviet Federative Republic, 1918;
6. Collection of decrees of orders and instructions of the Central government of Turkistan Republic of RSFSR. - Tashkent: Publication Bureau print of Turkistan CEC council, 1918;
7. Collection of important decrees and instructions of the government of Turkistan Republic in July, 1920.
8. Collection of important decrees and instructions of the government of TSSR in 1917-1922. - Tashkent: Publication of the commission CNC, 1922.
9. The first All Turkistan assembly of “Qo’shchi” unions and land organizations of Turkistan state. - Tashkent: Turkistan State Publishing house, 1922.
10. Basic decree about land and land affairs in Turkistan. - Tashkent: Turkistan state press, 1922.
11. Decisions of the Assembly 8 of Turkistan ishtrokiyun Party. - Tashkent: Central Asia state press, 1924.
12. Materials of All Russian census of 1920. Industrial census in Turkistan Republic. Issue 1. - Tashkent: State press of Turkistan Republic, 1922;
13. Provinces, uezds and volosts of the Republic of TSSR. Data of October 1, 1921. - Tashkent: Turkistan state publishing house, 1921;
14. Materials of All Russian census of 1920. Industrial census in Turkistan Republic. (The list of the industrial institutions of Sirdarya region). Issue 2. - Tashkent:
15. Provinces, uezds and volosts of the Republic of TSSR. Data of October 1, 1921. - Tashkent:
16. Provinces, uezds and volosts of the Republic of TSSR. Data of October 1, 1921. - Tashkent: Turkistan state publishing house, 1921.
17. Materials of All Russian census of 1920. Census of population in Turkistan Republic. Part 1. Settled totals. Issue-3. (Settled totals of Sirdarya region). - Tashkent: Publication of CDS of Turkistan Republic 1923. p.1.
18. Turkistan calendar for 1919. - Tashkent: Publication of the commissariat of Public education of Turkistan Soviet Federative Republic, 1918; Stenographical report of All Turkistan Assembly X. Council of workers, farmers and the represantatives of red army. (August 21-25, 1921). №1031. - Tashkent:
19. www.lex.uz// National data base of legal documents of the Republic of Uzbekistan.
20. Central State Archive of the Republic of Uzbekistan fund 25, list 1, file 1201 page 302.
21. Stenographical report of All Turkistan Assmebly X. Council of workers, farmers and red army representatives. (August 21-25 ,1921). №1031. - Tashkent: Turkistan state publishing house, 1921.
22. Report of the congress 1 of economical council of Turkistan Republic. - Tashkent: Publication of TEC, 1922.
23. N.Turakulov. The problem of Fergana. - Tashkent: Turkpublish, 1921; Totals of census of the European part of Tashkent city. - Tashkent:
24. Muslimbureau of RCR. (b) in Turkistan. - Tashkent: Turkistan state publishing house, 1922.

**O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/6]**
**ISSN 2181-7324**

**TARIX**
https://science.nuu.uz/
**Social sciences**

**УДК193.4(575.1)**

***Қаҳрамон АЛМАНОВ,***
*Гулистон давлат университети катта ўқитувчиси*
*Т.ф.ф.д.(Phd)*
*almanov20111988@gmail.com*

*Ўз ФА МАМ катта илмий ходими, т.ф.д. Бобоёров Ғ.Б тақризи асосида*

## DEMOGRAPHIC LANDSCAPE OF JIZZAKH UEZDI OF SAMARQAND REGION AT THE END OF XIX-BEGINNING OF XX CENTURY

Abstract
The article highlights the main processes in the demographic landscape of the Samarkand region Jizzakh uezdi at the end of the XIX-early XX centuries. Different colors, which are administrative units of Jizzakh Valley, are also focused on the demographic landscape. The level of literacy of social and ethnic affiliation of the state of the Uezd regions was also analyzed in comparison with other uezd volosts in the Samarkand region. At the end of the XIX-early XX centuries, the demographic situation of the Samarkand region Jizzakh uezdi was highlighted on the basis of an analysis of various sources.
**Keywords:** Jizzakh, Samarkand, ethnic composition, Kattakorgan, Zamin, Forish, Karakishlak, Yangikurgan, Karatash, Robot, Uzbek, Yom, Nakrut, Savruk, Sangzor, Khotchamukur, chashmi ob, Kushmatkatortol, gardon, Sintob, Otakorgan.

## ДЕМОГРАФИЧЕСКИЙ ПОКАЗАТЕЛЬ ДЖИЗАКСКОЙ ОБЛАСТИ САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ В КОНЦЕ XIX-НАЧАЛЕ XX ВЕКА

Аннотация
В статье освещены основные процессы, происходившие в демографической картине Джизакского уезда Самаркандской области в конце XIX – начале XX века. Также было уделено внимание демографической картине различных волостей, являющихся административными единицами Джизакского уезда. Социальная и этническая принадлежность населения территорий, входящих в состав уезда, а также уровень грамотности были проанализированы по сравнению с волостями других уездов Самаркандской области. Демографическая ситуация Джизакского уезда Самаркандской области в конце XIX – начале XX века освещена на основе анализа различных источников.
**Ключевые слова:** Джизак, Самарканд, этнический состав, Каттакурган, Заамин, Фариш, Каракишлок, Янгикурган, Каратош, Рабат, Узбек, Йом, накрут, Саврук, Сангзор, Хотчамукур, Чашми Обь, Усматкортол, Богдон, Синтоб, Отакургон.

## XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИДА САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ЖИЗЗАХ УЕЗДИНИНГ ДЕМОГРАФИК МАНЗАРАСИ

Аннотация
Мақолада XIX аср охири – XX аср бошларида Самарқанд вилояти Жиззах уездининг демографик манзарасида бўлган асосий жараёнлар ёритиб берилган. Шунингдек, Жиззах уездининг маъмурий бирликлари бўлган турли волостларнинг ҳам демографик манзарасига этибор қаратиб ўтилган. Уезд таркибидаги ҳудудлар ҳолисининг ижтимоий ва этник мансублиги савоодхонлик даражаси ҳам Самарқанд вилоятидаги бошқа уездлар волостлари билан солиштириб таҳлил қилинган. XIX аср охири – XX аср бошларида Самарқанд вилояти Жиззах уездининг демографик ҳолати турли манбаларни таҳлил қилиш асосида ёритиб берилган.
**Калит сўзлар:** Жиззах, Самарқанд, этник таркиб, Каттақўрғон, Зомин, Фориш, Қорақишлоқ, Янгиқўрғон, Қоратош, Работ, Ўзбек, Ём, Нақрут, Саврук, Сангзор, Хотчамуқур, Чашми Об, Ўсматқатортол, Боғдон, Синтоб, Отақўрғон.

**Кириш.** XIX асрнинг сўнги чораги ва XX аср бошларида ўлкамиз аҳолисининг демографиясидаги ўзгаришларга қарайдиган бўлсак асосан бу худудларда олиб борилган ижтимоий-иқтисодий сиёсат, аҳолини кўчириш каби омиллар катта таъсир кўрсатганлигини кузатамиз. Чор Россияси ҳукумуронлик қилган даврда Жиззах воҳасидаги демографик жараёнларга турли ҳил трансформациялар тасир қилди , айниқса аҳоли зич жойлашган уезднинг Зомин, Фориш, Қорақишлоқ, Янгиқўрғон каби волостларда яққол кўзга ташланади. Самарқанд вилояти ва унинг алоҳида уездлари мисолида бу жараёнлар қиёсий таҳлил қилинганда, аҳоли динамикаси, унинг миллий таркиби, оила-никоҳ муносабатларда фарқли хусусиятлар аниқлик топади.

**- Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).** Аҳоли сони ва унининг демографик ҳолати бўйича Жиззах уездидаги холат ҳам анча мураккаб кўринишга эга бўлган. 1886 йилда чиқарилган “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида”ги Низомнинг 61-бандига мувофиқ ҳар бир уезд участкаларга бўлинган ҳамда уезд бўйича участкаларнинг тақсимланиши унинг майдони, аҳолиси ва бошқа маҳаллий шароитларга кўра амалга оширилганх[1] . Жиззах уездининг Боғдон, Янгиқўрғон ва Зомин каби волостлари 1886 йилги низом асосида ташкил этилди. Бу волостлар ичида участкалар сони ва ҳудудининг кенглиги жихатидан энг йириги Боғдон бўлиб жами унинг таркибида 8 та ҳудуд қамраб олинган ҳолда умумий майдони 36000 квадрат верстни ташкил этган[2]. Бироқ у аҳолиси ва хонадонларининг сони жиҳатидан бу вақтда 4000 квадрат верст майдонда жойлашган ва 7 та волостдан иборат бўлган Янгиқўрғон участкаси билан деярли бир хил бўлган[3]. 5 та волостдан иборат бўлган Зомин участкаси эса аҳолиси, сони ва майдонининг ҳажми бўйича энг кичиги бўлган. XX аср бошларида Жиззах уездининг Қоратош, Работ, Ўзбек, Ём, Зомин, Янгиқўрғон, Нақрут, Саврук, Сангзор, Хотчамуқур, Чашми Об, Ўсматқатортол, Боғдон, Синтоб, Отақўрғон, Қизилкум, Қўрғонтепа, Писталитоғ, Кўктепа, Чордор каби йигирма битта волостдан иборат бўлган[4]. Маълумки, XIX аср охирига келиб, Жиззах уезди Самарқанд вилоятидаги

сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан муҳим мустамлака марказий худудлардан бири бўлиб ҳизмат қилди. Шу асрнинг 80-йиллар охирида Каспийорти темир йўлининг Самарқанд билан боғланиши вилоятда ва унинг уездларида савдо- сотиқ, товар-пул муносабатларининг тезлашувига туртки берган бўлса, яна бошқа томондан, бошқарув ва кўчириш сиёсати натижасида рус ва русийзабон аҳолининг кўчиб келиши, рус посёлкаларининг вужудга келиши демографик жараёнларга, шаҳарлар ва уездларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига ҳам сезиларли таъсир кўрсатган. Бундай ўзига хос ички ва ташқи омиллар Жиззах уездининг демографик манзарасида ҳам намоён бўлдики, шу даврга келиб уездда аҳоли сони ва этник таркибида ўзгаришлар бўлишига олиб келди. Аҳоли сони бўйича уезд вилоятда иккинчи ўринни эгаллаган бўлса-да (Самарқанд уезди 1-ўринда), бироқ аҳоли зичлигига кўра 1 кв.верстга 15, 72 бўлган Каттақўрғон иккинчи ўринда бўлган бу нарсани Каттақўрғон уезди майдонининг кичкиналиги билан изохлашимиз мумкин. Ахоли зичлиги бўйича 1 кв.верстга 8,63 шахарда, 1 кв.верстга шахардан ташқари худудларда 8,02 бўлган ҳолда учинчи ўринда турган. [4]. Шунингдек ўлка аҳолисининг таркиби ва сони тўғрисидаги ишончли маълумотларни Марказий Статистика Қўмитаси томонидан қабул қилинган XIX асрнинг 80 йиллардаги ҳужжатлардага кўра, ва Чор Россиясининг Европа қисми билан бирга, Марказий Осиё ҳудудларидаги округлар аҳолиси тўғрисидаги маълумотларда кўришимиз мумкин[5]. Самарқанд округи таркибига киргандан сўнг уезднинг чегарлари ҳам бир мунча ўзгарган. Жиззах уезди шимолдан Сирдарё, шарқдан Дашкат довони, жануби-ғарбдан Корачатоғ, ғарбдан Қизилқум чўли билан чегараланган эди. Уша даврда Жиззах уездининг маййдони 43420 кв. верст (верст – 1,06 км), [6]. 1886 йилда қабул қилинган Низомга мувофиқ Жиззах уездида Боғдон, Янгиқўрғон ва Зомин каби участкалари ташкил топган. Уларнинг ичида волостлар сони ва ҳудудининг кенглиги жихатидан энг йириги Боғдон участкаси ҳисобланиб, у ўз ичига 8 та волостни қамраб олган ҳамда майдони ва ахолиси сони бўйича олдинги ўринда турган бўлган[7.с11]. 1891 йилда ўлкага ташриф буюрган М. Вирскийнинг маълумотларига қарайдиган бўлсак уезд демографиясига оид бир қанча қимматли маълумртларга дуч келамиз. Муаллифнинг ёзишича Уездда ва унинг атрофларидаги жами 16 та волостда аҳолининг демогарфик манзарасига оид бир қанча фикрлари диққатимизни тортди. Уларни қараб чиқамиз. Жами бу вақтда аҳолининг сони руссийзабон аҳолининг ўлкага кириб келиши натижасида бойиганлиги билан аҳамиятли бўлган Уез маркази Жиззах шаҳрида жами 509 нафар руссиязабон аҳоли истиқомат қилган бўлса шулардан 403 нафари эркак, 106 нафарини аёллар ташкил қилган бўлган жами 3 та никоҳ файд этлган бўлиб 10 нафар фарзанд туғилган бўлган. Ўлганлар сони эса жами 36 нафар эркаклар 16 та эркак 20 нафар аёл бўлган 2 та ҳарбийлар ичидан ўлим ҳолати қайд этилган.26 нафари эса ўлдирилган бўлган маҳаллий ерлик аҳоли сони Жиззах шахрида 14260 нафар бўлган эркаклар 7500 нафар аёллар 6760 нафар бўлган булар жами 2852 та бир хил қурилган уйларда истиқомат қилишган. Рус тузем мактаблари маҳаллий аҳоли яшайдиган ҳудудда жами 1 та бўлган унда 19 нафар ўқувчи таълим олган. Маҳаллий мактаблар сони эса 22 та бўлган бўлиб 250 нафар қатнашчиси бўлган[8]. 1897 йилда ўтказилган Биринчи аҳоли рўйхатига кўра бутун Самарқанд вилоят бўйича аҳоли зичлиги шаҳарлардан ташқари фақат битта туман бўйича олинадиган бўлса 1кв милга 14,19 тани ва 1кв. милга 11,96 тани ташкил этган ва аҳолининг туманлар бўйича зичлигига қараганимизда Жиззах уезди Самарқанд округида учунчи ўринда турган[9]. 1897 йилда Жиззах уезди ҳудудида 222 683 нафар киши яшаган, шундан 120 228 нафари эркак, қолгани 102 455 нафари аёллар ҳисобланган. Шундан 208 412 нафар кишининг турмуш тарзи қишлоқ хўжалигига боғлиқ бўлган. Бошқача айтганда, 37 775 нафар эркак ва 658 нафар аёл алоҳида тарзда қишлоқ хўжалиги билан шуғулланган, қолган оила аъзолари, яъни 74 056 нафар эркак[10]ҳамда 95 923 нафар хотин-қизлар ушбу шахслар қарамоғида бўлган. Бундан ташқари, 630 нафар эркак ва 3 нафар аёл чорвачилик билан шуғулланган[11]. Шунингдек, 120 нафар киши савдогарчилик қилган, 47 нафар киши эса гўшт савдоси билан машғул бўлган. Аҳолининг қолган қисми ун ва ёғ ишлаб чиқарган ҳамда бошқа касбларни эгаллаган [12].

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқотда қиёсий, тарихий ва германевтик тахлил усуллари асосида Жиззах воҳасидаги этник жараёнлар тадқиқ этилди.

Уезд таркибидаги волостлар қозилари берган маълумотларига қараб уезд аҳолисининг демогафик манзараси яни ахоли сони,туғилиш ва ўлим, ажримлар, таълим, саводхонлик даражаси тўғрисида бир қанча маълумотларга эга бўлишимиз мумкин. Самарқанд округининг уездлари демографик манзарсига оид бир қанча жадвалларда бу ҳақда маълумотлар келтириб ўтилган. Бу жадвалларда уездларнинг демографик манзараси асосан шу бир ой давомида бу ердаги ажрашганлар сони, туғилганлар сони вафот этганлар сони, янги кўчиб келганлар сони, кўчиб кетганлар сони тўғрисидаги маълумотлар келтириб ўтилган. Масалан кўчиб келганлар ва кўчиб кетганлар сони бўйича бир қанча тафовутлар кўзга ташланади. Уезд марказларида эса аҳоли зичлиги уездаги аҳоли зичлигидан бироз фарқ қилган:

**Буни қуйидаги жадвалдан ҳам кўришимиз мумкин**

| Шаҳар номлари | Эркаклар | Аёллар | Жами |
|---|---|---|---|
| Самарқанд | 31.734 | 23.394 | 55.128 |
| Хўжанд | 16.249 | 13.860 | 30.109 |
| Ўратепа (уездан ташқ) | 10.249 | 9.885 | 20.621 |
| Жиззах | 8.562 | 7.148 | 15.710 |
| Қаттақўрғон | 5.954 | 4.133 | 10.087 |
| Панжакент (уездан ташқ) | 2.054 | 1.604 | 3.658 |
| Жами | 74.802 | 60.024 | 135.313 |

Аҳолининг турмуш тарзи билан боғлиқ бўлган ҳолатлар яъни туғилиш, ўлим ва никоҳ муносабатлари бир-биридан фарқ қилган бўлиб, бундай ҳолатлардаги фарқларни эркак ва аёллар яъни ҳар иккила жинс

ўртасидаги тафовутнинг мавжудлигидан ҳам билишимиз мумкин. Уезд ва шаҳарлар бўйича аҳолининг жойлашув зичлиги ва ижтимиоий иқтисодий ҳолатида айниқса катта тафовутлар борлиги кўзга ташланади. Бундай тафовутлар аҳолининг саводхонлик даражасида ҳам кўринади. 1897 йилда биринчи бор ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирида ҳам аҳолининг саводхонлик даражаси ҳақидаги маълумотлар сақланган. Шу маълумотларга кўра, Самарқанд вилояти ва унинг уездларида саводхонлик даражаси паст кўрсатгични кўрсатган бўлиб, бу айниқса қишлоқ аҳолиси орасида кўпчиликни ташкил этган. Уездлар бир бири билан солиштирилганда Жиззах уездининг қишлоқ қисмлари ва аёлларининг саводхонлиги жуда ёмон кўрсатгичда энг охирги ўринда бўлган. Умумий вилоят бўйича аҳолининг аёллар қисми саводхонлиги айниқса паст даражада бўлиб, уездларга 0,13%ни ташкил этган[13]. Бу каби маълумотларни И.И.Зарубиннинг ҳам тадқиқотларида кузатишимиз мумкин[14]. Қуйидаги келтирилган жадвалда аҳолининг саводхонлик даражаси тўғрисда маълумотлар келтириб ўтилган.

| Уезд ва шаҳар номлари | Эркаклар | Аёллар |
|---|---|---|
| Самарқанд уезди | 3,62 | 0,25 |
| Жиззах | 1,69 | 0,07 |
| Каттақўрғон | 2,33 | 0,08 |
| Хўжанд | 3,54 | 0,26 |
| Самарқанд шаҳри | 23,06 | 6,82 |
| Панжакент | 8,23 | 0,81 |
| Жиззах шаҳри | 7,87 | 1,64 |
| Каттақўрғон | 18,24 | 3,05 |
| Хўжанд | 12,89 | 2,28 |
| Ўратепа | 13,52 | 2,28 |

**- Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).** Умуман олганда уездлар бўйича таҳлил қилинадиган бўлса, энг кам

саводли аҳоли Жиззах уездида жойлашган бўлиб, ундан аввалги ўринда уездга чегарадош бўлган Каттақўрғон уезди турган. Уезд марказларидаги аҳоли саводхонлик даражаси бўйича ҳам Жиззах шаҳри энг паст кўрсаткичда қайд этилган бўлган. Энг юқори саводхонлик Самарқанд уезди ва унинг маркази бўлган Самарқанд шаҳри бўлган. Аёлларнинг саводхонлик даражаси бўйича эса Хўжанд уезди биринчи ўринда қайд этилган. Аҳолининг саводхонлик даражаси Жиззах уездида бошқа ҳудудларга қараганда паст бўлишига бизнингча бир қанча омиллар сабаб бўлган. Бунга мисол қилиб аҳолининг кўпчилик қисми асосан кўчманчи чорвачилик билан шуғилланганлигини ва турли қабила ва уруғларнинг воҳага айнан XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида кириб келиб ўтроқлашганлиги билан изохлашимиз мумкин. Уездлар ва уларнинг марказларида уездларни бошқариш учун маъмурий-ҳарбий, ижтимоий-хўжалик ва бошқа вазифалар нуқтаи назаридан аҳамиятга молик “Янги шаҳар” ёки “Рус қисм” барпо этилган. “Янги қисм”лар билан биргаликда кўчириб келинган аҳоли учун рус посёлкалари ҳам ташкил этилиб борилган, жумладан 1886 йилда Самарқанд вилояти ва унинг уездларига рус аҳолисини кўчириб келтириш ишлари бошланган бўлиб, дастлаб 4 та пасёлка ташкил қилинган. 1898 йилга келиб уларнинг сони 9 тага етаганлиги манбаларда қайд этилиб ўтилган[15]. Жиззах воҳаси аҳолисининг саводхонлик даражаси XX асрнинг бошларига келиб янги мактаблар ва эски усулдаги мактабларнинг сонининг ошиши хисобига анча ўсганлигини ўлкага ташриф буюрган рус шарқшунослари ва саёҳатчилари ҳам қайд этиб ўтади[16]. Ўлкага ташриф буюрган рус тадқиқотчи ва саёҳатчиларнинг келтириб ўтган маълумотларига қараганимизда Жиззах уеезди ва шахарига кўчириб келтирилган европалик аҳоли учун алоҳида маҳалла барпо қилинган бўлган ва уларнинг фарзандлари ва ўзлари учун янги турдаги мактаб ва бошқа ижтимоий инфратузилмалар барпо қилинан.

**- Хулоса ва таклифлар.** Қисқача хулоса қилиб айтганда, Жиззах уезди Самарқанд вилоятидаги аҳоли сони, этник таркиби ва зичлиги бўйича алоҳида ажралиб турган ҳудуд бўлган бу ҳудуддаги демографик жараёнлар ўлкага янги кириб келган турли уруғ ва этнослар ҳисобига доимий ўсиб ўзгариб турганлигини кузатамиз. Самарқанд округидаги турли уездлар билан доимий алоқалар ҳисобига ҳам бу ҳудуд аҳолисининг демографик манзараси доимий ўзгариб ўсиб борган. Шунингдек, воҳа аҳолисининг этнодемографик, тузилишида ўзгаришларни 1897 йилда илк бор ўтказилган биринчи аҳолини рўйхатга олиш тадбирида тўпланган маълумотларда ҳам кўзга ташланади. Бу каби аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари ўтказилгунга қадар, Самарқанд округининг турли уездлари ҳусусан тадқиқ қилинаётган Жиззах аҳолисининг этник таркиби, оилавий муносабатлари никоҳ, туғилиш ва вафот этганлар янги келганлар тўғрисидаги маълумотлар маҳаллий қозиларнинг ҳисоботларида акс этиб борган. Бу ҳисоботларнинг кўпчилиги бирёқлама шунчаки топшириқ бажариш учун қилинган хисоботлар кўринишида бўлганлигини кузатдик. Аҳолини рўйхатга олиш ўтказилгандан сўнг тўпланган материаллар билан қозиларнинг ҳисоботлари солиштирилгандаа бир қанча фарқлар борлигини турли тадқиқотчилар ҳам такидлаб ўтишган[17]. Жиззах уезди ва бошқа ҳудудлардаги демографик жараёнларига аҳолининг этник таркиби, жойлашув зичлиги, аҳолининг саводхонлик даражаси, туғилиш, ўлим, никоҳ, ажрашишлар, кўчиб келганлар, кўчиб кетганлар ва бошқа оилавий муносабатлар ҳақидаги маълумотларга бундай рўйхатга олиш тадбирлари бир қанча аниқлик киритиб берган. Лекин бу каби рўйхатга олиш тадирларидаги тўпланган материаллар ҳам тўлиқ олинмаганлигини айтиб ўтишимиз ўринлидир. Архив ва статистик манбалар асосида тўпланган материаллар билан солиштирилганда бир қанча тафовутлар келиб чиқади. Шунингдек, бу вақтга келиб, аҳолининг ижтимоий табақаланишининг кучайиб кетади ва янги қатламни вужудга келтиради. Янги европалик аҳоли учун ташкил этилган посёлкалар ва бошқа ижтимоий обектларнинг барпо қилиниши улардаги аҳоли сонининг мунтазам турли этнослар ҳисобига ўсиб боришига ва Жиззах уезди

аҳолисининг демографик манзарасига ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

**АДАБИЁТЛАР**


1. Ҳудуднинг географик ҳолатидан келиб чиқиб яни ер ва сувдан фойдаланишши ҳисобга олинган.
2. Пален К.К.Уездное управление. – Санкт-Петербург, 1910. – С.11.
3. Боғдон участка пристави аҳолисининг сони 91212 та ва хонадонлар сони 11714 та бўлган бир вақтда Янги Қўрғон участка приставида 87159 та аҳоли яшаган ҳамда 11486 та хонадон мавжуд бўлган.
4. Список населенных мест Самаркандской области. (По сведениям 1904 и 1905 гг.). – Самарканд, 1906. – С.67-101.
5. ЎзРМА,И-5-жамғарма, 1-рўйхат, 1607-йиғма жилд, 1-варақ.
6. (Справочная книжка Самаркандской обл., 1906 й., 306-бет).
7. Пален К.К.Уездное управление. – Санкт-Петербург, 1910. – С.11.
8. Вирский М.М. Волости Зерафшанского округа по сведениям 1873-1874 гг. // МСТК. Под. ред. Н.А. Маева. Вып. 4. – СПб, 1876; Ўша муалл. Список населенных мест Самаркандской области (по сведениям 1904 и 1905 гг.). – Самарканд, 1906.
9. Первая Всеобшая перепись населения Российской империи 1897г, Самаркандская области. – СПб., 1905. – С.26.
10. Первая всеобщая перепись населения Российской империи, 1897 г. LXXXIII. Самаркандская область. – Санкт-Петербург, 1905. - С. 126-127.
11. Первая всеобщая перепись населения Российской империи, 1897 г. LXXXIII. Самаркандская область. – Санкт-Петербург, 1905. - С. 126-127.
12. Ўша жойда. – Б. 130-131.
13. Первая Всеобшая перепись населения Российской империи 1897г, Самаркандская области. – СПб., 1905. – С.26.
14. Зарубин И.И. Население Самаркандской области. Его численность, этнографический состав и территориальное распределение (по материалам сельско-хозяйственной переписи 1917 г., пополненной другими источниками). Л., 1926
15. Обзор Самаркандской области за 1900 г. – Самарканд, 1901. – С.32.
16. Вирский М.М. Волости Зерафшанского округа по сведениям 1873-1874 гг. // МСТК. Под. ред. Н.А. Маева. Вып. 4. – СПб, 1876; Ўша муалл. Список населенных мест Самаркандской области (по сведениям 1904 и 1905 гг.). – Самарканд, 1906. Зарубин И.И. Население Самаркандской области. Его численность, этнографический состав и территориальное распределение (по материалам сельско-хозяйственной переписи 1917 г., пополненной другими источниками). Л., 1926
17. Нормуродова Г.Б. XIX аср охири ва XX аср бошларида Самарқанд вилояти аҳолисининг ижтимоий стратификацияси. – Тошкент: Yangi nashr, 2013. – 159.

**O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/6]**
**ISSN 2181-7324**

**TARIX**
https://science.nuu.uz/
**Social sciences**

**УДК:633.284.**

***Сарвар БОЙМИРЗАЕВ,***
*Ўзбекистон тарихи давлат музейи илмий ходими*
*E-mail:boymirzayevsarvar94@gmail.com*

*Ўзбекистон тарихи давлат музейи катта илмий ходими, т.ф.н Д.О. Каримова тақризи асосида*

## PROCESSES OF FORMING THE ARCHAEOLOGICAL FUND IN THE STATE MUSEUM OF THE HISTORY OF UZBEKISTAN (1876-1943)

Annotation
This article describes the activities of local and Russian scientists and local collectors who have contributed to the formation of the archaeological fund, which has been operating since the founding of the museum. We talked about archaeological expeditions.
**Key words:** Museum, fund, expedition, collection, items, ossuaries, ceramics.

## ПРОЦЕССЫ ФОРМИРОВАНИЯ АРХЕОЛОГИЧЕСКОГО ФОНДА В ГОСУДАРСТВЕННОМ МУЗЕЕ ИСТОРИИ УЗБЕКИСТАНА (1876-1943 гг.)

Аннотация
В данной статье рассказывается о деятельности местных и российских ученых и местных коллекционеров, внесших свой вклад в формирование археологического фонда, действующего с момента основания музея. Заговорили об археологических экспедициях.
**Ключевые слова:** Музей, фонд, экспедиция, коллекция, предметы, оссуарии, керамика.

## ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИДА АРХЕОЛОГИЯ ФОНДИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ЖАРАЁНЛАРИ (1876-1943 ЙИЛЛАР)

Аннотация
Ушбу мақолада музей ташкил этилганидан бошлаб фаолият олиб борган археология фондининг шаклланишида ўз ҳиссасини қўшган маҳаллий ва рус олимлари, маҳаллий коллекционерларнинг фаолияти ёритилган. Олиб борилган археологик экспидециялар ҳақида сўз юритилган.
**Калит сўзлар:** Музей, фонд, экспидеция, коллекция, ашё, оссуарий, сопол буюмлар.

**Кириш.** Музейлар халқларнинг ўтмиши билан келажагини боғлаб турувчи кўприкдир. Юртимизнинг узоқ ўтмишидаги осори атиқалари, жумладан археологик топилмаларнинг бугунги кунгача етиб келишида ва келажак авлодга муносиб етказишда Ўзбекистон тарихи давлат музейининг ўрни беқиёс. Ўзбекистон тарихи давлат музейи ўз фондларида Ўрта Осиёнинг биринчи даражали илмий аҳамиятга эга ва дунёга машҳур бўлган юз минглаб моддий ва маънавий ёдгорликларидан топилган археологик, нумизматик, этнографик топилмалар ҳамда архив хужжатларини сақлаб келади. Ушбу бой мероснинг таркибий қисми бугунги кунда 75 мингдан зиёд ашёни ўз ичига олган Археология фондида сақланиб келаётган археологик топилмалардан иборатдир.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Музейнинг Археология фонди археологик топилмалар билан XIX асрнинг 70 - 90 йилларида шакллантирилган. Шу ўринда ушбу хайрли ишларнинг бажарилишида хизмати синган Е. Ф. Каль, А. Д. Кун, И. Т. Пославский, А. И. Добросмислов, И. А. Кастанье, А. А. Половцев, С. Ф. Николяи каби етук олимларнинг номларини эслаб этиш ўринлидир[1]. Археологик топилмалар орасида 1875 йилда ҳаваскор-археолог, ўқитувчи Д.М. Граменицкий томонидан қадимги Улкан-Түйтепадан топилган топилмаларда турли кўринишдаги лойдан ясалган идишлар, чироқлар, металл эритилганда қолдирилган қотишма, темир халқалар, ойнадан ясалган анжом бўлаклари, симоб кўзача ва бошқалар мавжуд. Н.А. Маевнинг таъкидлашича, П.Э. Курковскийнинг таклифи билан қадимги Улкан-Түйтепа топилмалари Тошкент музейига топширилган [2].

Археология фондини шаклланишида маҳаллий коллексионерларнинг ҳам ўрни катта бўлган. Шундай коллексионерлардан бири, осори-атиқаларга қизиқувчи ва уларни тўпловчи маҳаллий аҳоли вакилларидан бўлган, эътиборли шахслардан бири самарқандлик савдогар Мирза Абдулла Бухорий эди. Археология фонди музейининг мис ўймакорлиги буюмлари коллекциясида унга тегишли, орқа томонига «Мирза Бухорий тўпламидан» деб ёзилган бронза патнис (инв. № 188/81) сақланади. 1888 йилнинг 21 октябрида ўзининг розилиги билан Петербургга, Император археология комиссияси ихтиёрига 6 яшикда, жами 6300 та қадимги танга ва бошқа топилмалар юборилди. Ўша буюмлардан Эрмитаж музейига шарқ ойнаси ва мис кўза юборилган. 1891 йилда Эрмитаж учун 11 та терракота жўнатган [3].

1884 йилда музей экспозициясининг археология бўлимига қўйилган 20 та археологик топилмалар орасида Түйтепа, Шоҳруҳия, Иссиққўл кўли, Афросиёб ва Самарқанд архитектурасига оид топилмалар бўлган [4]. Археология фондида археологик ва нумизматик топилмалар билан биргаликда Туркистон ҳудудидан топилган христанлик динига оид терракоталар ҳам бор. У 1885 йил Авлиёота уезди Қумариқ почта стансияси яқинидаги ариқни қазиш вақтида бўйнида мисдан ясалган иккита хоч осилган бут топилган [5].

Музейга қабул қилинган ашёларни илмий тадқиқ этиш ишларига дастлабки қадам 1886 йил Й.Ф.Кал томонидан қўйилди. Й.Ф.Кал томонидан этнография, нумизматика ва археологияга оид экспонатларнинг дастлабки каталоги тайёрланди. 1901 йили археологик материаллар рўйхатга олинади [6].

1883 йил Туркистон генерал-губернатори генерал М.Г. Чернияевнинг кўрсатмаси билан Самарқанд вилояти музейининг Археология ва Нумизматика бўлимларидаги коллекцияларнинг барчаси В.В. Крестовский томонидан

Тошкент халқ музейига топширилади. Археологик топилмалар билан биргаликда шайх Абу Закариё ва унинг ўғли Яҳёга тегишли Дарғом канали бўйидаги Варагсер қишлоғидан топилган XIII асрга оид қайроқ тошдан ясалган қабртош ҳам келтирилган [7].

Шунингдек, маҳаллий ўлкашунос, ҳаваскор-археологлар сафига тўйтепалик қадимги ашёлар билан савдо қилувчи Султон Примқулов номини ҳам қўшиш мумкин. 1884 йил Тўйтепада қазиш ишлари бошланган. Қазиш пайтида бино қурилишида ишлатилган лекин ёнғин содир бўлганда куйиб кетган ғиштлар ва устунлар топилган. 1884 йил Примқулов 36 дона шу жумладан, 7 дона кичкина танга, 2 та металл ва 1 та тошдан ишланган печат, қайрилма қозиқ, қўнғироқча, бир қисми синган, суякдан ясалган қошиқ, ойнадан ишланган сиёҳдон, мунчоқ, чироқ ва бошқа топилган буюмларни музейга топширган [8].

Тошкентлик савдогар, биринчи ўзбек ҳаваскор археологи, Акром Асқаров энг фаол нодир буюмлар тўпловчилардан бўлган. У кўпинча шарқшунос олим Н.И. Веселовский билан биргаликда турли хил экспедицияларда фаол қатнашган. 1890 йили «Туркистон қишлоқ хўжалиги ва саноати» кўргазмасида Акром Асқаров коллекцияси, унинг ўзи қурган павильонида намойиш қилинади. Бу ерда Америка пахтаси, пилла, шойи намуналари, ипак қурти учун энг яхши деб тан олинган тут дарахтлари намуналари, бой нумизматик ва археологик коллекциялар ҳам намойиш этилган эди [9]. 1887 йилда Рус археология жамияти Акром Асқаровни «Археология ривожига қўшган ҳиссаси учун» кичик кумуш медали билан тақдирлаган. Акром Асқаровнинг вафотидан сўнг, (1891 й.) ўзининг васиятига кўра, 14 минг танга ва 200 та буюм Туркистон генерал-губернатори А.Б. Вревский фармойиши билан Петербургга жўнатилади [10].

Бу пайтга келиб музейга дастлабки оссуарий ҳам келтирилган. У 1886 йил олдинги почта стансияси бўлган Ниёзбошида (Тошкентдан Самарқандга томон ҳаракатланганда 22 чақирим узоқликда) нафақага чиққан аскарнинг ҳовлисидан топилган [11]. Шу йилнинг ўзида Тошкентдан икки чақирим жанубий шарқда (Николский) ҳам топилган. Унда одам тасвири туширилган бўлиб оссуарийнинг бўлаклари сақланиб қолган. Топилма ҳақида “Туркистон ведомости” газетасида ёзилган [12]. Графина П.С. Уварованинг Ярослов шаҳрида ўтказилган VII археология съезди учун тайёрлаган ҳисоботида Тошкент музейи Археология фондининг ҳолати ҳақидаги баъзи қизиқарли маълумотлар учрайди. Унинг маълумотларига кўра ўша пайтда археология фонди буюмларнинг барчаси жуда ноёб характерга эга бўлиб, биргина “қадимги дунё” бўлимида 164 та ашё ва 1018 турли хилдаги тангалар сақланган.

Айрим шахслар томонидан топширилган коллекциялар ичида 1891 йилда вафот этган шарқшунос Э.Ф. Кал тўплаган кўп миқдордаги танга-чақалар, сопол идишлар, металл буюмларни қайд этиб ўтиш лозим. Музейга айрим эски тангалар, идишлар, безаклар, тақдим этиб турилган. Масалан, 1883 йили Зарафшон округининг бошлиғи Самарқанд атрофидан топилган буюмлар ва танга-чақаларни музейда юборган. 1886 йил 17 ноябрда рўй берган зилзила оқибатида Тошкентдаги Кўкалдош мадрасасининг равоқлари ёрилгандан кейин у бузиб олинди. 1889 йили кончилик инженери Боголюбский Қайроққумдан топган руний ёзувларни фото нусхаси олинди.

XX асрнинг 90 йилларида музейга келтирилган материалларни рўйхатга олиш ва тартибга солиш ишлари кўнгилдагидек олиб борилмаган, сабаби доимий штатнинг мавжуд эмаслиги сабабли ишларни асосан ҳаваскорлар бажарар эди. Кўргазмага қўйилган экспонатлар бетартиб жойлаштирилган бўлиб буни ташрифчилар ҳам баъзан сезар эди. Музей ҳафтанинг маълум кунларидагина фаолият юритиб бошқа кунлари ёпиқ турган [13].

**Тадқиқот методологияси**. Мақолани ёритишда мавзуга оид архив манбаларини ўрганилди, илмий адабиётлар, хорижий манбалар, монаграфиялар ҳамда вақтли матбуот да эълон қилинган малумотлар таққослаш ҳамда таҳлил қилиш методларидан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар**. Тошкент шаҳрида ўлканинг тарихини ўрганишга қизиққан ташаббускор инсонларни бирлаштирувчи Туркистон археология ҳаваскорлари тўгараги (ТАҲТ) 1895 йилнинг 11 декабрида ташкил этилди [14]. Йигирма йилдан кўпроқ вақт мобайнида ушбу тўгарак аъзолари ўлкада археологик қидириш ва қазиш ишларини олиб боришди. Ўлкадаги қадимий ёдгорликларни ўрганишди, турли ашёларни тўплашган. Мазкур тўгаракда Н. П. Смирнов, И. Т. Пославский, В. А. Каллауэр, М. С. Андреев, Е. Т. Смирнов, Н. Г. Маллицкий, А. А. Диваев, Н. Н. Пантусов, А. А. Семёнов ва бошқалар фаол иштирок этдилар [15]. Тўплаш ва қазиш натижасида тўпланган археологик ва нумизматик топилмалар ТАҲТ аъзолари томонидан топширилган.

Музей ташкил этилган йилдан унча кўп ўтмасдан Археология фонди бошқа фондларга нисбатан жадал суръатларда ўсиб борган. Буни музейда 1877 йилнинг биринчи январида 1500 дан зиёд археологик топилмалар мавжуд бўлганлигини кўришимиз мумкин. 1897 йилда музейнинг Археология ва Нумизматика фондида сақланаётган топилмалар миқдори 1345 та буюмлар ва 2017 та тангаларни ташкил этади [16].

1899 йилнинг 4 ноябрида тўгарак аъзолари ўз коллекцияларини Тошкент халқ музейи археология бўлимига топширдилар [17]. Ашёлар орасида 1893 ёки 1894 йилда Қўқон уездининг Сўх қишлоғи фуқаролари томонидан ерга ишлов бериш чоғида топилган ва Г. С. Батиров томонидан Тошкент музейига тортиқ қилинган икки (қўш) илон кўринишидаги тумор-ҳайкалча ҳам бор [18]. Олимлар ушбу нодир топилма бронза даврига оид бўлиб, санаси милоддан аввалги II минг йилликка оид эканини аниқлаганлар. Ҳозирги кунда ушбу ноёб топилма коллекция китобига киритилиб, экспозицияга қўйилган.

Музейга топширилган тўрт дона тарашлаб ясалган – «тошсанамлар» деб аталувчи – ҳайкалчалар ҳозирги кунда 68 рақами билан сақланаётган, унчалик катта бўлмаган туркий давр ҳайкаллари коллекциясининг шаклланишига асос бўлди. Улардан бирини Сирдарё вилояти губернатори Н. И. Гродеков Авлиё ота уездидаги Александров тоғ тизмаси этакларидан топган. Қолган учтаси эса 1896 йил август ойида Авлиё ота уездидаги Мерке ҳудудига тошсанамларни илмий ўрганиш мақсадида сафар қилган И. В. Аничков томонидан келтирилган [19].

Музейга ташриф буюрувчиларда юртимиз ҳудудида милоддан аввалги VIII-II асрларда яшаган сакларнинг бронза қозонлари коллекцияси катта қизиқиш уйғотади. Улардан бири – дастали қозон Иссиққўл тубидан топилган. Яна бири Тошкентдан 40 чақирим нарида, Чиноз йўлида топилган. Кейинги уч қозоннинг эса маълумотлари келтирилмаган. Қозонларнинг даврий санаси милоддан аввалги V-III асрлар билан белгиланган. Қозонлардан диний маросимларда ва гўштли овқатлар тайёрлашда фойдаланган [20].

1890 йилларнинг охирларида ТАҲТ томонидан бир пайтда 5 та оссуарий олиб келинган. 1896 йилда тўгарак аъзоси Боқихон Абдуқосимов томонидан Солар қабристони яқинидаги Чилдўхтарон деган жойда яшовчи Ишонхон Подшохоновнинг ҳовлисидан топилган овалсимон оссуарий олиб келинади [21].

XX асрнинг биринчи чорагида Музей Туркистон археология ҳаваскорлари тўгараги аъзоси И. А. Кастаньедан 1912 – 1916 йилларда тўплаган археологик коллекциясининг бир қисмини қабул қилиб олди. Унинг таркибида 500 дан зиёд буюм бор эди. Буюмлар орасида Ахсикент, Тошкент атрофидаги Нўғой-Қўрғон, Шоҳруҳия, Қанқа, Ўратепа, Шаҳристон, Наманган вилояти Косонсой яқинидаги Қалъаи Муғ, Ангрен дарёси бўйидаги Мунчоқтепа, Панжикент яқинидаги Қайнар шаҳарчаси, Термиз шаҳри ва бошқа ерлардан келтирилган сопол ва шиша идишлар, мис идиш-товоқлар, чироқлар, куйдириб ишланган ҳайкалчалар, безакларнинг намуналари бор.

1914 йилда музейга келтирилган йирик буюмлар қаторида Бухоро шаҳридан 35 км жануби-ғарбда жойлашган Пойкенд вайроналарини қазиш жараёнида топилган археологик материаллар ҳам ўрин олган. Бу ерда қазиш ишлари 1914 йил баҳор ва ёзида ТАҲТ аъзоси Л. А. Зимин томонидан 26 кун давомида олиб борилган [22]. Ушбу қазиш ишлари самараси ўларок, Тошкент музейи коллекцион рўйхатига киритилган, IX – XII асрларга оид турли хил археологик материаллар келтирилди. Топилмалар орасида ўйма нақшлар билан безатилган сувдон шаклидаги идиш алоҳида эътиборни тортади.

Археология фондининг кейинги йилларда топилмалар билан бойитилиши Ўрта Осиёда археологик тадқиқотларни ташкил этиш ҳамда Туркистоннинг қадимги ёдгорликларини ўрганиш ва сақлаш мақсадида тузилган Турккомстарис, Средазкомстарис ва Узкомстарис каби давлат ташкилотларининг тузилиши ва фаолияти билан боғлиқ. Бу ташкилотлар музейнинг археология бўлимини бойитишда муҳим аҳамият касб этган.

1920 йилнинг охиридаёқ Туркистон халқ музейи фондида қарийиб 10 минг экспонат бор эди, шундан этнография бўлимида 895 та, зоология бўлимида 798, нумизматика бўлимида 2464, археология бўлимида 3550, ботаника бўлимида 66, ҳарбий-техника бўлимида 31, геология бўлимида 250 экспонат [23] мавжуд бўлган.

1921 йилларда ўша даврда музейда Ўрта Осиёнинг машҳур тадқиқотчилари М.С. Андреев, А.Л. Бродский, Д.И. Кашкаров, Э.М. Коровин, М.Э. Массонлар фаолият юритган. 1920-1925 йиллар ичида Турккомстарис томонидан 46 та экспедиция ўтказилди. Ана шу экспедицияларнинг кўпида музей ходимлари қатнашдилар ва тўпланган материаллар музей фондига тушди.

1922-1923 йилларда Турккомстарис илмий экспедицияларни ташкил этиш учун 255.693 рубль миқдорда пул ажратди. Шундан 82.882 рубль Туркистон шаҳрига уюштириладиган археологик экспедицияни ташкил этиш учун ажратилган [24].

1923 йилдан Турккомстарисда атоқли археолог М. Е. Массон ўзининг самарали фаолиятини бошлади. Самарқанд шаҳридан уни Тошкентга, Ўрта Осиё Бош музейи археология бўлими мудири лавозимига ўтказишди. М. Е. Массон музейда 1929 йилга қадар ишлади.

Археология фондининг таркиб топиши ва сақланишида яна бир ташаббускор тадқиқотчи Турди Мирғиёсович Мирғиёсов (1896 – 1951 йй.) нинг хизматлари беқиёс. У 1926 йилнинг 6 февралидан бошлаб, чорак асрдан кўп вақт ишлади. 1924 – 1929 йилларда Турди Мирғиёсов М. Е. Массон бошқарган музей археология бўлимининг экспедиция ва коллекция тўплаш ишларида фаол иштирок этган ва барча экспедицияларда раҳбарнинг ёрдамчиси ҳамда йўлдошига айланган. У бошқа бир қатор олимлар – Я. Ғ. Ғуломов, А. Ю. Якубовский, В. А. Шишкин, А. И. Тереножкин билан ҳам бирга иш олиб борди. 1928 йил 28 мартда М.Г. Массон билан оссуарий қабристонини текшириш учун Тўйтепага борди [25].

1930 йилларнинг бошида музейга асосан М. В. Воеводский, М. П. Грязнов, А. Потапов ва Б. А. Латинин; 1930 йилларнинг иккинчи ярмида М.Е. Массон, Т. Г. Оболдуев, В. Д. Жуков, А. И. Тереножкин; 1930 йилларнинг охири ва 1940 йилларда Т. Мирғиёсов, А. П. Окладников, М.Э.Воронц ва бошқа археологлар томонидан топилган топилмалар келиб тушди. 1933 йилда М. Е. Массон, Т. М. Мирғиёсов, Я. Ғ. Ғуломов иштирок этган махсус экспедиция Термиз шаҳридан 18 км. шарқда жойлашган Айритом манзилгоҳини ўрганди. Бу ердан милодий I-II асрларга оид буддавийлар ибодатхонаси бир қисми бўлган бино қолдиқлари ва ушбу иншоотнинг пештоқини безаб турган тошдан ясалган бўртма нақшли ҳайкал шаклидаги тасвир топилган. У 1935 йилда Ўзбекистон томонидан Санкт-Петербургдаги Давлат Эрмитажига тортиқ қилинган ва ўша ерда ҳозиргача сақланади [26]. 1940 – 1941 йилларда А. И. Тереножкин томонидан Тошкентдаги Оқтепа қўрғони қолдиқларида археологик қазиш ишлари олиб борилди. Қазиш жараёнида VI – XII аср моддий маданиятига оид асосий қисми меъморий нақш бўлаклари ва сопол идишлардан иборат бўлган катта миқдордаги буюмлар топилди ва Музейга келтирилди.

**Хулоса ва таклифлар**. XIX асрнинг охири XX асрда юртимизда маҳаллий олимларимизнинг рус олимлари билан ўтказган илмий текширувлари, шу жумладан археологик қазишмалари натижасида минг йиллик тарихимизга далил бўла оладиган бир қанча ноёб топилмалар топилди ва музейга топширилган. Буларнинг орасида бугунги кунда музейнинг энг ноёб экспонатлари деб ҳисобланаётган археологик топилмаларнинг баъзилари айнан шу даврда топилган. Масалан, будда ҳайкали (Триада), будхистава, сакларнинг бронза қозони, варахша топилмалари, терракота ҳайкалчалари ва ҳоказолар. Фондни ноёб топилмалар билан тўлдиришга алоҳида аҳамият бериш лозим. Уларни сақлашда ҳаво ҳарорати, ёруғлик ва намликнинг меёрда бўлишини мунтазам назорат қилиш зарур.

## АДАБИЁТЛАР


1. Минасянц В., Арипджанов О. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбекистон тарихи давлат музейи Археология тўплами // Ўзбекистон маданий мероси. Ўзбекистон тарихи давлат музейи. Биринчи қисм. Археология ва нумизматика. «SILK ROAD MEDIA» • «EAST STAR – Тошкент, 2020 . 36 с
2. Массон М.Э., Ахангеран. Археолого-топографический очерк. Т.: 1953. 46,47, 131.
3. Содиқова Н.С. Музейное дело в Узбекистане. Т., “Фан”. 1975. Стр 49.
4. Чабров Г.И. история музейного дела в Средней Азии (дореволюционный период)//Архив Музея истории народов Узбекистана. Рукопись, 1951. 83.
5. Минасянц В., Арипджанов О. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбекистон тарихи давлат музейи Археология тўплами // Ўзбекистон маданий мероси. Ўзбекистон тарихи давлат музейи. Биринчи қисм. Археология ва нумизматика. «SILK ROAD MEDIA» • «EAST STAR – Тошкент, 2020 . 36 с
6. Содиқова Н. Музейное дело в Узбекистане. Т., “Фан”. 1975. стр. 41.
7. Массон М.Э., Среднеазиатские намогильные кайраки. 1956. стр 8-9.
8. Массон М. Е. Ахангеран. Археолого-топографический очерк. Т., 1953. С. 47.

9. Лунин Б.В. Научные общества Туркестана и их прогрессивная деятельность (конец XIX-начало XX в.). Уз ССР ФА нашриёти 1962. 342 стр. 29 стр.
10. “Туркестансие ведомости” газетаси. 1912, 46 сони.
11. Остроумов Н. П. Новқе данные о глиняных погребальных урнах//ПТКЛА. XI. 1907. С. 33.
12. “Туркестансие ведомости” газетаси. 1886, 17 сони
13. Содиқова Н., Буряков Ю. Тарихий ёдгорликлар хазинаси. Т., “ФАН”, 1963 й. 17 б.
14. МДА И-72 фонд, I рўйхат, 1 - иш, 1- варақ.
15. Лунин Б.В. Из истории русского востоковедения и археологии в Туркестане. / Туркистанский кружок любителей археологии. 1895-1917 гг. Т., 1958. 10 с.
16. МДА И-72 фонд, I рўйхат, 3 - иш, 33- варақ.
17. МДА И-72 фонд, I рўйхат, 3 - иш, 9- варақ.
18. Кастанье И.А. Культ змеи у различных народов и следы его в Туркестане//ПТКЛА. XVII. 1913. С. 17.
19. Лунин Б.В. Из истории русского востоковедения и археологии в Туркестане. / Туркистанский кружок любителей археологии. 1895-1917 гг. Т., 1958. 193 с.
20. Ўзбекистон тарихи давлат музейи археология фондининг 29 коллекция китоби.
21. Протоколы Туркестанского крушка любителей археологии// ПТКЛА. II 1897. с. 25.
22. Зимин Л. А. Отчет о весенних раскопках в рарвалиная старого Пейкента// ПТКЛА. XIX. Вып. II. 1915 с/ 89-131.
23. Миронов А.М.организационная научная и практическая деятельность Средазкомстариса (быв. Турккомстариса) за пятилетие его существования.// Изв. Средазкомстариса. Вып. I. Т., 1926. стр 35.
24. MDA, 394-фонд, 1-рўйхат, 213-иш, 223-224 б.
25. Миносянц В.С. Оссуарии из Тойтепе (из раскопок М.Е Массона и Турды Миргиязова 1928, 1937 гг.)// Ташкент вчера и сегодня. Т., 2007. Стр. 52-65
26. Левтеева Л., Минасянц В. Эхо ушедших эпох. Т.,2017. Стр. 49.

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/6]
ISSN 2181-7324

TARIX
https://science.nuu.uz/
Social sciences

УДК:94(575.1)

*Эшболта ҚОБУЛОВ,*
*Термиз давлат университетининг Педагогика институти директори*
*Турон Фанлар Академияси академиги, тарих фанлари доктори, профессор*
*E-mail: eshbolta@mail.ru*
*ЎзМУ профессори Р.Ҳ.Муртазаева тақризи асосида*

## TITLE AND POSITIONS IN THE ADMINISTRATIVE SYSTEM OF BUKHARA EMIRAT

Abstract
This article analyzes the titles and positions of the Bukhara Emirate. The state and peculiarities of the emirate's central government system, as well as the activities of officials at various levels of the system are presented. At that time, the Bukhara Emirate, like other countries in the world, had many titles and positions and played an important role in the development of society. The article reveals that they are advisers to the Emir and have a certain influence on the solution of public administration, socio-economic and political issues. Positions in the emirate were also studied by dividing them into upper, middle and lower classes.
**Keywords:** Title, career, amir, Divonbegi, personal mirza, mirshab, mirab, amin, paygirchi, kitabdar, risolachi, bakovul, mirzaboshi, mirokhor, mirzo, munshi, surnaichi, karnaichi, dafchi, jarchi, dallal and jilovdor.

## НАЗВАНИЕ И ПОЛОЖЕНИЯ В СИСТЕМЕ УПРАВЛЕНИЯ БУХАРСКИМ ЭМИРАТОМ

Аннотация
В данной статье анализируются титулы и должности Бухарского эмирата. Представлены состояние и особенности системы центрального управления эмирата, а также деятельность должностных лиц различных уровней системы. В то время Бухарский эмират, как и другие страны мира, имел множество титулов и должностей и играл важную роль в развитии общества. В статье раскрывается, что они являются советниками эмира и имеют определенное влияние на решение государственного управления, социально-экономических и политических вопросов. Положения в эмирате также изучались, разделяя их на высшие, средние и низшие классы.
**Ключевые слова:** Титул, карьера, амир, Дивонбеги, личный мирза, миршаб, мираб, амин, пайгирчи, китабдар, рисолачи, баковул, мирзабоши, мирохор, мирзо, мунши, сурнайчи, карнайчи, дафчи, джарчи, даллал и джиловдор.

## БУХОРО АМИРЛИГИ МАЪМУРИЙ-БОШҚАРУВ ТИЗИМИДА УНВОН ВА МАНСАБЛАР

Аннотация
Ушбу мақолада Бухоро амирлиги давридаги унвон ва мансаблар таҳлил қилинган. Амирлик марказий давлат бошқаруви тизимининг ҳолати ва ўзига хосликлар ҳамда бу тизимнинг турли бўғинларидаги мансабдорлар фаолияти кўрсатилган. Ўша даврда дунёнинг бошқа мамлакатлари сингари Бухоро амирлигида ҳам кўплаб унвон ва мансаблар мавжуд бўлган ҳамда жамият ривожида муҳим ўрин тутган. Улар амирнинг маслаҳатчилари бўлиб, давлат бошқаруви, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий масалалар ечимига ҳам муайян таъсир кўрсатиб турганликлари мақолада очиб берилган. Шунингдек, амирликдаги лавозимлар юқори, ўрта ва қуйи кабиларга бўлиниб тадқиқ қилинган.
**Калит сўзлар:** Унвон, мансаб, Амир, Дивонбеги, шахсий мирза, миршаб, мироб, амин, пайгирчи, китобдор, рисолачи, баковул, мирзабоши, мирохўр, мирзо, мунши, сурнайчи, карнайчи, дафчи, жарчи, даллол ва жиловдор.

- **Кириш.** Тарихидан бизга маълумки ҳар бир давлатнинг ривожланиши ва тараққиёти ундаги марказий давлат бошқаруви тузилмаси ҳамда фаолиятига ҳам боғлиқ. Кейинги йилларда мамлакатимизда давлат ва жамият бошқарув тизимида кенгислоҳатлар амалга оширилаётганлигини кузатишимиз мумкин. Янги Ўзбекистон шароитида ушбу ислоҳатлар ривожланган давлатларнинг замонавий бошқарув тизимидаги тажриба-лари билан бирга миллий менталитетимиз ва тарихий анъаналаримизни ҳам ҳисобга олган ҳолда олиб борилиши бугунги кунда соҳа мутахасиларининг олдига қўйилган муҳим вазифалардандир. Ватанимиз тарихида бир қанча давлатлар мавжуд бўлган бўлиб, уларда ўзига хос бошқарув усули ривожланиб келган. Минтақа тарихида муҳим ўрин тутган Бухоро амирлиги давлат бошқарувида мансаб ва унвонларнинг асосий вазифалари, уларнинг бу лавозимга тайинланиши, давлат бошқарувидаги ўрни ва аҳамиятини ўрганиш тарихчилар олдида турган долзарб масалалардандир.

- **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Бухоро амирлиги тарихини ўрганиш ХХ асрнинг бошларидан бошлаб бугунги кунгача тарихчилар эътиборини ўзига жалб қилиб келмоқда Ҳозирги кунгача амирлик тарихи бўйича амалга оширилган ва яратилган илмий асарлар ҳамда илмий тадқиқодларнинг салоҳияти жуда катта. Ўтган бир ярим аср мобайнида амирлик тарихини ўрганишда турлича ёндашиш ва муносабатлар шаклланди. Давлат бошқарув тизимида мансаб ва унвонларни таҳлил қилиш мақсадида бир қанча манба ҳамда адабиётларни таҳлилига тортдик. Жумладан, Мирзо Салимбек ҳамда Муҳаммад Али Балжувонийнинг тарихий манбалари, шунингдек А.Маджлисов, И.Л. Яворский, М.А. Абдураимов, Д.Н. Логофет, .А. Маев, А.А. Семенов, Б.И. Искандаров ва бошқаларнинг тадқиқотларни келтириш мумкин. Бундан ташқари Ўзбекистон Миллий архивида сақланаётган 2 ва 126 жамғармаларда ҳам тадқиқот мавзусига оид маълумотлар бор.

- **Тадқиқот методологияси.** Ушбу мақолани ёзишда тарихий-хронологик, изчиллик ва қиёсий-тарихий таҳлил каби усуллар қўлланилган.

- **Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).** Бекликларда барча маъмурий-бошқарув ҳуқуқлари амир томонидан тайинланган бек қўлида эди. Бекликнинг суд ишлари қози қўлида бўлиб, у ҳам амир томонидан тайинланган [1]. Қози нафақат суд ишларини бошқарган, балки маҳаллий ҳоким фаолиятини назорат қилиб турган. Шу тариқа марказий ҳокимият икки томонлама назоратни йўлга қўйган. 1914 йилда Бухоро амирлигида 67 та

маҳаллий қози бўлиб, ҳар бир бекликда амир фармони билан тайинланган 5-12 тагача муфти ҳам бўлган [2]. Ҳар бир беклик аксарият ҳолларда марказий бошқармага тақлид қилишган, худди амир саройидагидек мансаб ва мансабдорларни сақлашган. XIX асрнинг 70-йилларида Бухорода бўлган рус сайёҳи доктор Яворский ёзади: “Бухорода ҳар бир бек ўзини ҳудуднинг якка эгаси ҳисоблайди. Ҳар бир бек ўзининг бир оз кичикроқ ва камроқ бўлса-да мансаб ва вазифалар мавжуд саройига эга эди” [3; 4]. Бекликлардаги бошқарув ва хизмат пиллапояси қуйидагича бўлган:

1. Дивонбеги ёки закотчи. У асосан солиқ ва йиғимлар тўплаш билан шуғулланган. қўл остида бир неча мирза. амалдор ва ясавул бўлиб унинг топшириғини бажарган.

2. Шахсий мирза (мирзаи мунши). у асосан мирзалар ичидан танлаб олиниб, саводхон ва чиройли ҳуснихати бўлиши шарт бўлган. Унинг вазифаси амирлик девони ва бекликлар билан бўладиган алоқалар ёзишмаларини ёзишдан иборат бўлган.

3. Миршаб. Тоғлик бекликларда “қўрбоши” деб ҳам аталади. Унинг вазифасига шаҳар ва қўрғонларда жамоат тартибини сақлаш, турма. қурол-яроғ омборхоналарини қўриқлаш. Унинг қўл остида бир қанча ясовул ва навкарлар бўлган.

4. Мироб аҳоли фойдаланадиган сув тақсимоти назорати билан шуғулланган. Унинг ихтиёрида амин-бир ариқ бошлиғи ёки жуйбор, арбоб, оқсоқол-сув тақсимотчиси, жуйбон-ариқ қоровули ва мирза бўлган.

5. Амин (оқсоқол). Шаҳар ва қўрғонлардаги қурилиш ишларининг бориши ва унга аҳолини жалб этиш билан шуғулланиб, қўл остида бир қанча арбоби бўлган.

6. Пайгирчи-савдо ва мол бозорларида сотилган чорва молларидан закот олувчи [2]. Бундан ташқари маҳаллий бошқарув тизимида диний-миршаблик фаолияти билан шуғулланувчи диний уламолар муҳим ўрин тутган. Улар уч тоифага бўлинган. Булар қози, муфтий ва раис. Бутун Бухоро амирлигида 67 қози ва 68 раис фаолият юритган. Хусусан Сурхон воҳаси бекликларида бу мансабдорлар қуйидагилар: Бойсун беклигида – мулла Абдулнаимхожи – қози ва мулла Абдулзоир – раис; Денов беклигида – мулла Нуъмон-қози ва мулла Муҳаммад Қурбон-раис; Шеробод беклигида – мулла Абдураҳмон – қози, мулла Нусратуллахожа-раис [2]. Айрим вақтларда қози ва раис лавозимига бир киши 1914 йилда Амир Олимхон томонидан Шеробод беклигининг қозиси ва раиси этиб мулла Салоҳиддин тайинланганлиги бунга мисол бўлади [2]

Архив маълумотларига қараганда, амирлик вилоятларини қўшбеги, бий, додхоҳ, судур, девонбеги, тўқсоба унвонидаги амалдорлар бошқарган. Масалан, Сурхон ҳудудларидаги бекликлардан Ҳисорда Остана-қулбек бий кулли қўшбеги, Шерободда Абдулҳафизбек бий додхоҳ, Бойсунда Мирза Салимбек бий ва бошқалар ҳокимлик қилганлар [5].

Бекликлар ўз навбатида амлакдорликларга бўлиниб, уларнинг ҳам хизмат пиллапояси бўлган. Амлокдорнинг вазифаси ўз амлокидаги аҳолидан турли-туман солиқ ва йиғимлар тўплашдан иборат бўлган [6]. Амлокдор етиштирилган ҳосил миқдорини аниқлаш ва солиқ белгилаш вақтида ёки турли воқеалар юз бериб қолганда ўз қароргоҳидан четга чиқолмаган. Улар деҳқонлар етиштирган ҳосилни ҳисобга олиш жараёнида солиқ тўламаганларни жазолаш, жарима солиш каби ишларни бажаришган. Амлокдор қўлида котиб, мироб, амин ва оқсоқоллар хизмат қилган.

Амин амлокдорга итоат этиб, солиқ йиғиш ва аҳолини назорат остида сақлаб туришда унга ёрдам берган. Бу вазифага маҳаллий майда мансабдорлар тайинланган. Аминлар амлоклик ҳудудидаги йўллар, довонлар, дарё кечувлари, қолаверса, аҳолининг турмуш шароитини бошқа мансабдорларга нисбатан яхши билишган.

Оқсоқол ҳар бир қишлоқда катта эътиборга эга киши ҳисобланган. У сайлов йўли билан шу лавозимга ўтирган. Оқсоқоллар қишлоқни маъмурий, хўжалик ва ижтимоий бошқаришда амлокдорга кўмаклашганлар. Асосий вазифаси аҳолининг кундалик ички ишларини ҳал этиш, маросим ва урф-одатлар бажарилишини назорат қилиш ҳамда қишлоқ аҳолиси ўртасидаги ҳар хил низо ва келишмовчиликларни бартараф этиш бўлган. Солиқлар йиғилаётганда оқсоқол ерларнинг унумдорлиги ва ҳосилнинг миқдорига қараб, деҳқонлар тарафини олиб, закотчи томонидан қилинган инсофсизликларга қарши курашган [7, 4].

Ҳар бир амлокдорда мироб, закотчи ва дарғабоши бўлган. Амлокликлардаги муҳим лавозимлардан бири миробликдир. Мироб сув тақсимоти ва суғориш тизими устидан назорат қилган. Бош суғориш тизими ҳисобланган магистрал каналлардан катта ариқларга сув тақсимлаш мироббошига, катта ариқлардан қишлоқ ариқларига сув тақсимлаш эса арик оқсоқолларига, қишлоқ ариқларидан шох ариқларига ва даҳаналарга сув тақсимлаш қишлоқ миробига юклатилган. Мироблар кузда деҳқонлардан миробона солиғини олганлар. Закотчи ва дарғабоши солиқларнинг тўланиши тўғрисида маълумот йиғишган. Ҳар бир бекликда иккита закотчи бўлиб, бири бек ёнида бўлиб, унинг қўрғонда яшаган, иккинчиси эса бекликка бўйсунувчи ҳудудларга бориб мулкдор шахсларга закот миқдорини белгилаган. Чор ҳукумати амалдорлари ва саёҳатчилари маълумотларига қараганда, XIX аср охирларида ҳар бир бекликда амалдорлар сони 200 – 300 кишига етган, амирликда улар сони 50.000 атрофида бўлган [8, 21]. Бекликлардаги амалдорларга иш ҳақи ажратилмаган, аҳолидан улар фойдасига солиқ олинган. Ҳар бир бекнинг котиби ёки девонбегиси бўлиб, у асосан солиқларнинг ўз вақтида йиғиб олинишини назорат қилган, бекнинг молиявий ишларини дастурхончи бажарган. Баъзи ҳолатларда бекликдаги закот олиш, жумладан закоти савоим – сотиб берадиган молдан олинадиган закот ижарага берилган [9].

Доктор Яворский Бухоро бекликларидаги бекларнинг асосий вазифаси аҳолидан солиқларни ўз вақтида маҳсулот ва пул кўринишида йиғиб олишдан иборат деб кўрсатади [4, 36]. Ҳар бир беклик ҳосил йиғим терими якунлангандан сўнг, натура ҳолатдаги солиқни пул кўринишига олиб келиб, уни ҳар бири 1500 рубл махсус қопга солиниб, энг ишончли кишиси ёки ўғли ёрдамида амир саройига етказади. Агар йиғилган солиқдан амир рози бўлса бек ўз лавозимида қолади, бўлмаса махсус амалдор ёрдамида халқ устига қўшимча солиқ солиниб бек ўз лавозимидан озод қилинади [10, 170]. Шу сабабли, беклар имкон даражасида халқдан ортиқча солиқ йиғиб олиб, амир олдида ўзини кўрсатгани олдида махсус совғалар ҳам олган. Тўғри, бекликлар фаолиятининг асосий мазмуни, доктор Яворский айтганидек, солиқларни ўз вақтида йиғиб олиш ва амир ғазнасига топшириш бўлган, аммо бекликнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий тадбирларини амалга ошириш ҳам бекларнинг муҳим вазифалари ҳисобланган. Денов беклари томонидан амалга оширилган ишлар тадқиқотчилар асарларида қуйидагича тилга олинади. “Денов Осиёга хос архитектура қурилишлари ва бозори шарқона усулда бўлиб, кўчаларида кичик чойхоналар жойлашган, ҳар қадамда гўшт сотилади. Шаҳарларда Денов беги Абдулкарим томонидан қурилган иккита мадраса фаолият кўрсатади” [11].

Шарқшунос Б. Литвиновнинг ёзишича: “Денов аҳоли кўп яшайдиган шаҳар бўлиб, унда катта мадраса ва масжид фаолият кўрсатган, бу мадрасаларга

Самарқанддан келиб таълим олишган". Буни Бойсун ва Шеробод бекликлари мисолида ҳам кўриш мумкин [12]. Бухоро амирлигида беклик лавозими меросий эмасди. Амир хоҳлаган вақтида бекни алмаштириши мумкин бўлган, натижада бекликларга бўйсунувчи барча амалдорлар ҳам алмаштириларди. Туркистон генерал-губернаторининг қишлоқларига маъсул мансабдорлардан бири губернаторга қуйидаги мазмунда хат йўллаганди: "Кейинги 5 йилда Кўлобда беш нафар бек, Ҳисор, Қабодиён ва Шерободда эса уч нафардан беклар алмаштирилди" [13].

Чор ҳукумати хизматида бўлган капитан Жиджихия генерал-майор Лилиенталга йўллаган ёзма билдиришида қўшбегидан бошлаб қишлоқ оқсоқолларигача бўлган амирлик мансабдорларининг зўровонликлари ҳақида қуйидагиларни ёзганди: "Қарздор устидан ўз вақтида қарзни тўламагани ҳақида шикоят қилиндими, бас, маъмурият (бек, амлокдор ва бошқа) тергашга ўзларини ҳақли деб ҳисоблайдилар. Тергаш, одатда, катта жарима тўлаш билан якунланарди. Борди-ю жанжал қилган тарафдорларнинг бири иккинчиси устидан, яъни уни муғомбирликда айблаб шикоят қилса, устидан шикоят қилинган одам албатта бургаю канага тўлиб кетган Бухоро қамоқхоналарида азобини тортар ва хонавайрон қилинар эди" [13].

Беклар ва уларнинг кўп сонли мансабдорларини боқиш меҳнаткашлар зиммасида бўлиб, улар учун анча оғирлик қиларди. Амирлик йўл қурилишига бошчилик қилган ҳарбий инженер, чор ҳукумати хизмати полковниги А.М.Бонч-Богдановский қуйидагиларни ёзганди: "Қишлоқ аҳолиси ҳамма жойда қашшоқ, камбағал, бечора, хўрланган. Ҳар қадамда зўравонликка дуч келиш мумкин. Мансабдор киши дуч келган фуқаронинг отини тортиб олиши ҳеч гап эмас. Мансабдорлар зулмидан ҳеч қандай ҳимоя йўқлигини, уни амирликнинг бирор-бир маҳкамасидан топиб бўлмаслигини ҳамма билади. Бутун қишлоқ амлокдор ва бошқа мансабдорлар устидан шикоят қилган ҳолатлари бўлган, аммо бу шикоятларнинг бирортаси ҳам натижа бермаган. Сабаб, амалдорлар ё бекнинг қариндоши ёки уни совға-салом билан кўмиб ташлаган бўлади" [13].

Ҳақиқатан ҳам, Бухоро амирлигида халқ оммаси ҳисобига катта маблағ йиғишдан ташқари, давлат томонидан ажратилган маблағларни суиистеъмол қилган беклар ҳам бўлгани тарихий манбаларда қайд этилади, Чор Россиясининг сиёсий агенти Насруллобий қушбегига савдогарлардан ортиқча солиқ олган Термиз шаҳар бекчаси ва оқсоқол Ғуломни ишдан олишни сўраб мурожаат қилган [14], Аммо Бухоро амирлигидаги барча бекларни ҳам мансабни суъиистемол қилувчи беклар сифатида талқин этиб бўлмайди. Айрим беклар борки, улар томонидан амалга оширилган ишлар ўзининг ижобий томони билан тарих саҳифасидан жой олган. Академик А.А.Семенов томонидан "Бухоронинг энг сўнгги тарихчиси" деб аталган Мирзо Салимбек фаолияти диққатга сазовор [15]. Мирзо Салимбек оддий мирзоликдан Бухоро амири бош молиячиси, Бойсун ва Шеробод бекликлари ҳукмдори лавозимига кўтарилди. Беклиги даврида мадраса қурдирди, ер ва мулкларнинг бир қисмини вақфга топширди. Ёдгорликларни асраб-авайлаш ва таъмирлаш ишларига бош-қош бўлди.

Шеробод беклиги ҳудудида эски Термиз харобалари ёнида подшо Россиясининг Бухоро-афғон чегарасидаги таянчи сифатида янги Термиз қурила бошлади. Ҳарбий шаҳарча кенгая борди, 1900 йили амир Амударё ва Сурхон оралиғидаги ерни подшо ҳукуматига берди [13]. Чор ҳукумати қурилиш ишларида кўҳна Термиз маъмурий ёдгорликларидаги харобалардан қурилиш материали сифатида фойдаланди. Қурилиш давомида ўнлаб меъморий ёдгорликлар бузилди ва йўқотилди.

Шу даврда Мирзо Салимбек ёдгорликларни ёввойиларча таланишига қарши турди. Ҳукмдорлик йилларида Исо ат-Термизий мақбарасида кенг кўламдаги катта таъмирлаш ишлари олиб борди. Аммо Мирза Салимбекка ўхшаган беклар саноқли бўлган. Маҳаллий аҳоли ва беклар ўртасидаги муносабат шунчаликка боргандики, Бухоро амлокдорлари бек саройидан навкарсоқчисиз чиқиб кетишга ботинолмасдилар. Айрим қишлоқларга бек амалдорлари солиқ йиғиш учун боришга қўрқарди.

Чор армияси капитани Жиджихиянинг Бухоро ҳукумати бошқарувидаги мансабни суъиистемол қилиш ҳақида генерал-майор Лилиенталга ёзган хатида шундай сўзларни ўқиш мумкин: "Бухоро маъмурий бошқармаси, қўшбегидан тортиб қишлоқ оқсоқолигача хоҳлаган ишини қилади" [13]. Бек ва амлокликлар мансабда бир-икки йилдан ортиқ ўтирмаган. Чунки олиш ва бериш билан шуғулланиш, оддий халқни талаш натижасида кўпроқ халқ ғазаби туфайли ўз лавозимидан кетган (аммо амир Абдулаҳадхоннинг тоғаси Остонақул қўшбеги Ҳисорни XIX асрнинг 70-йиллардан 1905 йилгача идора қилган) [16].

Бухоро амирлигидаги барча амалдорлар савдо билан шуғулланган. Ҳаттоки Бухоро амирининг ўзи биринчи рақамли савдогар саналган. У асосан қимматбаҳо маҳсулотларни нафақат мамлакат ички бозорида, балки ташқи бозорларда ҳам сотиш билан шуғулланган. Хусусан. қоракўл тери ва пахтани Россиянинг турли ҳудудларига жўнатиб. у ердан керакли маҳсулотларни Бухорога олиб келган. Ўзининг эҳтиёжи ва бериладиган шоҳ совғалари кетадиган харажатларнинг катта қисмини савдодан келадиган даромад ҳисобидан қоплаган [17]. 1900 йил 3 мартда амир қозикалон Останақул девонбеги бир арава танга билан қоракўл тери сотиб олишга жўнатилган [18].

Профессор А.А.Семенов Бухоро амири Абдулаҳадхон даврида амирлик қоракўл тери сотиш бўйича жаҳонда 3-ўринда турганини ёзади. Унинг рус давлат банкига қўйган капитали 27 млн сўмни ташкил этган. Қолаверса, 7 та хусусий савдо банкида миллиондан олтин пули сақланган [19]. Бухоро амирлигида ўрта ва паст лавозимлар ҳам мавжуд бўлиб, ўрта даражадаги унвон ҳамда амалларга китобдор, рисолачи, баковул, мирзабоши, мирохўр, паст даражадаги мансабларга мирзо, мунши, сурнайчи, карнайчи, дафчи, жарчи, даллол ва жиловдор кирган.

**- Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommen–dations).** Тарихдан маълумки ҳар қандай давлатнинг бошқарув соҳасида бирор унвонли ёки мансабдор кишиларнинг ўрни юқори ҳисобланган. Бухоро амирлигида ҳам олий ҳукмдор, яъни амир ҳокимият бошқарувини махсус амалдорлар ва хизматчилари орқали амалга оширган. Асрлар мобайнида шарқона давлатчилик тизими ривожланиб келган. Ўтмишда қайси бир давлатнинг марказлаштирилган ҳокимияти мустаҳкам бўлса, у давлат ривожланган. Мазкур мақолада биз бир қатор амаллар, унвон ва мансаблар ҳамда улар эгаларининг вазифаларини Бухоро амирлиги мисолида жорий этилиб, амал қилинишини таҳлил қилдик.

## АДАБИЁТЛАР


1. ЎзМА. 126-жамғарма, 1-рўйхат, 49-иш, 1-варақ. Бухоро амири томонидан тайинланган қозилар рўйхати.
2. Маджлисов А. Аграрные отношения в восточной Бухаре в XIX – начале XX века. – Душанбе-Алма-Ата, 1967. – 59 с.
3. Туркестанский сборник. Т.488.-С.35-36.;
4. Яворский И. Л. Путешествие русского посольства по Афганистану и Бухарскому ханству в 1876 – 1879 гг. Т. 1. – СПб., 1882. – С. 35-36.
5. ЎзМА. 126-жамғарма, 1-рўйхат, 48-иш, 1, 2, 2-варақнинг орқа томони.
6. Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи Нофеий.–Тошкент:Академия, 2001.–Б.28.
7. Абдураимов М. А. Пережитки сельской общины в узбекском кишлаке Хумсан // Советская этнография. 1959. – №4. – С. 4.
8. Логофет Д. Н. Страна безправия. – СПб.,1909. – С. 21.
9. ЎзМА. 126-жамғарма, 1-рўйхат, 767-иш, 1-варақнинг давоми.
10. Туркестанский сборник.Т.554.С.170.
11. Маев Н. А. Очерки Бухарского ханства. Материалы для статистики Туркестанского края. Вып. V. – СПб., 1879. – С. 179.
12. Логофеть Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом.–СПб.,1911.–С.10.
13. ЎзМА. 2-жамғарма, 1-рўйхат, 251-иш.
14. ЎзМА. 126-жамғарма, 2-рўйхат, 133-иш, 3–6 варақ.
15. Горная Бухара.Ч.2. –С–Петербург,1902.–С.331-333.
16. ЎзМА. 126-жамғарма, 1-рўйхат, 48-иш, 1-варақ.; 126-жамғарма, 1-рўйхат, 69-иш, 1, 2-варақ.
17. Мирза Салимбек. Тарих–и Салими. –Ташкент: Академия, 2009. –С. 86.
18. Искандаров Б. И. Восточная Бухара и Памир во второй половине XIX в. Ч. II. – Душанбе, 1963. – С. 22.
19. Семенов А. А. Очерк устройства центрального административного управления Бухарского ханства позднейшего времени. –Душанбе:1954. – С. 9.

**O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/6]**
**ISSN 2181-7324**

**TARIX**
https://science.nuu.uz/
**Social sciences**

**УДК:193.4(575.1)**

***Шарофиддин МАМАТОВ,***
*Гулистон давлат университети ўқитувчиси*
*almanov20111988@gmail.com*
***Қаҳрамон АЛМАНОВ,***
*Гулистон давлат университети катта ўқитувчиси, т.ф.ф.д.(Phd)*

*Ўз ФА МАМ катта илмий ходими, т.ф.д. Бобоёров Ғ.Б тақризи асосида*

## ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ЭТНИК ТАРКИБИГА ДОИР ЁЗМА МАНБАЛАР

Аннотация
Ушбу мақолада муаллифлар Жиззах воҳаси аҳолисининг этник таркибига оид бўлган ёзма манбаларни таҳлил қилиш орқали ўлка тарихига оид бир қанча янги маълумотлар беришга ҳаракат қилинган. Жиззах воҳасида яшаётган турли этнос ва суб этнослар бўйича тадқиқотлар олиб борган турли муаллифларнинг илмий мақола ва монографияларини таҳлил қилиш орқали баъзи хулосаларни бериб ўтган. Ушбу хулосаларга таяниб биз воханинг тарихига оид бир қатор муҳим маълумотларга эга бўлишмиз мумкин.
**Калит сўзлар:** Жиззах, Зарафшон, Н. Хаников, П.И.Лерх, А.Кушакевич, Н.С.Ликошин , В.В.Бартольд.

## ПИСЬМЕННЫЕ ИСТОЧНИКИ ОБ ЭТНИЧЕСКОМ СОСТАВЕ НАСЕЛЕНИЯ ДЖИЗАКСКОГО ОАЗИСА В КОНЦЕ XIX-НАЧАЛЕ XX ВВ.

Аннотация
В этой статье авторы попытались предоставить некоторую новую информацию об истории страны, проанализировав письменные источники, связанные с этническим составом населения Джизакского оазиса. Он сделал некоторые выводы, проанализировав научные статьи и монографии различных авторов, которые проводили исследования различных этносов и субэтносов, проживающих в Джизакском оазисе. Опираясь на эти выводы, мы можем получить ряд важной информации об истории voxa.
**Ключевые слова:** Джизак, Зарафшан, Н. Ханников, П.И.Хх, А.Кушакевич, Н.С.Ликашин, В.В.Бартальд.

## WRITTEN SOURCES ON THE ETHNIC COMPOSITION OF THE JIZZAKH OASIS AKHOLIS IN THE LATE XIX-EARLY XX CENTURIES

Annotation
In this status, the problems were solved by analyzing the written sources belonging to the ethnic composition of the Jizzakh Oasis akholis, who tried to give information about another history. He analyzed the scientific articles and monographs of the various mualifs who lived in the Jizzakh Oasis and came to conclusions for some. Relying on these conclusions, we can get a number of important information about the history of VOHA.
**Key words:**Jizzakh, Zarafshan, N. Xanikoff, P. I. Xx, A. Kushakevich, N. S. Likeshin, V. V. Barteld.

**Долзарблиги.** Қадимий Жиззах воҳасида яшаётган аҳолининг этник таркиби масаласи бугунгу кунга қадар тарихчи олимларимиз учун ўрганилмаган долзарб мавзулардан бири бўлиб келмоқда. Ўлка аҳолисининг этник мансублиги масаласига доир бир қатор тадқиқотчиларнинг илмий мақола ва монографиялари нашр этилган бўлсада бу тадқиқотларда якдил бирон фикр билдириб ўтилмаганлиги кўзга ташланади. Ҳусусан бу тадқиқотлар XIX аср охири – XX аср бошларида қилинган ишлар бўлиб, асосан бутун Туркистон ўлкасининг тарихи билан боғлиқ ҳолда тадқиқотлар қилинган. Воҳа аҳолисининг этник тарихи ва таркиби масалалари яхлит ҳолда ўрганилмаган. Туркистон ўлкасинининг воҳа ва водий ҳудудлари аҳолисининг этник таркибига доир бир қанча илмий монография ва мақолаларда ўлканинг географик жойлашув ўрнига қараб турли ракурсларда этибор қаратиб ўтилганлиги кўзга ташланади. Жиззах воҳаси аҳолисининг этник таркиби масаласига доир манбалар шу бугунги кунга қадар тўлақонли амалга оширилмаган бўлиб асосан рус шарқшунос ва ҳарбийларининг айрим эсталикларида бир қанча маълумотлар келтириб ўтилган ҳолос. Ўлка аҳолисининг этник таркиби ва тарихи ҳақидаги материалларни Зарафшон воҳасига ташриф буюрган турли тадқиқот–чиларнинг мақола ва илмий нашрлари орқали келтириб ўтилган маълумотларидан олишимиз мумкин.

**Методлар ва ўрганилганлик даражаси**.

Зарафшон воҳаси ва бевосита унга туташ ҳудудлардан бири бўлган Жиззах аҳолиси этник таркиби ва этнотопонимлари бўйича дастлабки илмий изланишлар XIX асрнинг сўнгги чорагида бошланган бўлиб, асосан рус шарқшунос ва этнограф олимлари тамонидан амалга оширилган. Зарафшон воҳасига ташриф буюрган турли тадқиқотчилар бу борада ўзларининг дастлабки фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтган. Бу борада қилинган бир қатор илмий тадқиқотлар натижасида яратилган илмий ишларни шартли равишда қуйидаги туркумларга бўлиб ўрганишимиз мумкин.

1. Чор Россияси тамонидан Жиззах воҳаси босиб олгандан сўнг чоп этилган манбалар;
2. Архив ҳужжатлари;
3. XIX аср охирги чораги – XX аср бошларида воҳага оид расмий амалдорларнинг, тафтиш комиссияларининг маълумотлари, статистик материаллар, турли йилномалар шунингдек нашр этилган бир қанча мақолалар ва маҳаллий муаллифларнинг асарлари;

Дастлабки илмий изланишлар ўлкани ўзлаштириш мақсадида олиб борилган бўлиб, бу даврга оид рус сайёҳлари, ҳарбийлари, географлари, шарқшунослари, тарихчилари ҳамда бошқа соҳалар вакилларининг бир қатор асарларида ўлканинг географик жойлашуви ўлкада яшаётган аҳоли сони, этник таркиби, ер-сув

муносабатлари каби масалаларга оид маълумотлар келтириб ўтилган. Россия империяси томонидан Туркистон ўлкасининг босиб олинишидан сўнг яратилган кўплаб тадқиқотларда бу нарса яққол кўзга ташланади[1]. Рус тадқиқотчиси Н. Хаников томонидан 1840 йилларда бошланган бу тарздаги изланишлар Ф.И. Лобысевича, Д.Н. Логофета, А.И. Глуховской, П., Л. Гроссул-Толстого, М.В. Грулёва, Ф.Ф. Мартенса, В. Долинского, А.Ф. Костенко, А.Е. Снесарева[2], А.Д. Гребенкин[3], А.И. Макшеев[4], Г.Арандаренко[5], А.П.Хорошхин[6], М.Н.Ростиславов[7], Д.Г.Колоколцов[8]лар томонидан янада изчиллик билан давом эттирилди. Самарқанд округининг турли уездларига ташриф буюрган машҳур рус туркологи В.В. Радлов маҳаллий аҳолининг этник таркиби, тил ва лаҳжа хусусиятлари масалаларни ўз тадқиқотларида анча батафсил ёритган[9]. Шунингдек Жиззах воҳасининг қадимий аҳоли манзилгохлари уларнинг тарихий илдизлари ҳудуддаги давлатчилик масалалари этномаданий жараёнлар тўғрисида, П.И.Лерх (1867), А.Кушакевич (1870- йй.), Н.С.Ликошин (1890-йй.), В.В.Бартольд (1894), П.С.Скварскийларнинг (1896) ишлари алоҳида ажратиб кўрсатиб ўтишимиз мумкин[10].XX аср дастлабки чорагида мавзу доирасидаги тадқиқотлар кўлами кенгайди ва 20-30 йилларда бир қатор илмий асарлар яратилди. Худди шу йиллар давомида маҳаллий тадқиқотчилар ҳам лингвистик материаллар тўплаш мобайнида воҳа аҳолисининг этник таркиби, этнонимлар билан боғлиқ жой номларига ҳам бирмунча тўхталиб ўтишганлигига гувоҳ бўлдик. Айниқса, тилшунос ва адабиётшунослар орасида Ғ. Олим Юсупов, Ҳ. Зариф, С. Айний каби маҳаллий зиёлилар Самарқанд округининг туманларидаги аҳоли таркиби ва этник хусусиятига доир ўз қарашларини эълон қилдилар[11].

Жиззах воҳасининг этник тарихини ва аҳоли таркибини ўрганишда XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб нашр этила бошлаган “Самарқанд вилоятини маълумот китоби” номли статистик журнал ҳам алоҳида манба сифатида муҳим аҳамият касб этади. Ушбу статистик маълумотлар журналида кўпгина тарихий, этник ва этнографик маълумотлар бериб борган тадқиқотчилардан В.Л. Вяткин, журнал муҳаррири М.М. Вирский[12], М.Андреев тадқиқотлари ўзининг аниқлиги билан бошқа тадқиқотчиларнинг маълумотларидан ажралиб турган. Рус шарқшуноси В.Л. Вяткин[13]томонидан Абу Тоҳир Ҳожанинг “Самария” асари таржимаси, натижасида нашр қилинган китобда ҳам Самарқанд округи ва уездлари аҳолисининг этник таркибини ўрганиш бўйича манба бўлиб хизмат қилишини такидлаб ўтишимиз зарурдир. XX асрнинг дастлабки йилларида воҳа халқлари ҳусусан, ўзбеклар этногенези ва уруғ-қабилавий тузилиши, ижтимоий ва оилавий турмуши, хўжалиги ва бошқа масалаларга оид бир неча этнографик тадқиқотлар натижасида турли муаллифларнинг асарлари пайдо бўла бошлади. Шундай тадқиқотлар натижасида яратилган илк нашрлардан профессор Е.Д. Поливанов[14]ва этнограф А.П. Потаповларнинг[15]ишларини алоҳида этироф этишимиз даркордир. XIX аср охири – XX аср бошларида Жиззах воҳасининг табиий хусусиятларини анча батафсил ёритиб берилган. Бундай адабиётлар рўйхатига, Д.Г. Колокольцов, Н.Маев, Е. Шуйлер, Е. Смирнов, А. Арандаренко, Е. Марков, ва В. Пельца[16] каби тадқиқотчиларнинг асарларини киритиш мумкин.

**Тадқиқот натижалари.** XX аср дастлабки чорагида Туркистондаги этник ҳолат, шу жумладан, Самарқанд округининг турли уездлари аҳолисининг этник таркиби, турмуш-тарзи, хўжалиги бўйича М.С. Андреев[17], И.И. Зарубин[18], И. Магидович[19]каби бир қанча олимлар томонидан амалга оширилган илмий ва кенг қамровли тадқиқотлар воҳа тарихшунослиги учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади. “Самарқанд вилояти аҳолиси” номли И.И. Зарубиннинг яратган китобида округ таркибидаги уездларда ҳусусан Жиззах уездида яшаётган ахолининг сони, этник таркиби ва жойлашуви тахлил қилган бўлса, М.С. Андреев округдаги тарихий обидалардаги ранг-тасвир, ёдгорликлардаги ёзувларни ўрганиш орқали воҳа аҳолисининг этнографиясини таҳлил этган. И.П. Магидович эса нафақат воҳанинг балки Марказий Осиё минтақасининг географик харитасини турли хил тарихий ва ёзма манбалар асосида қиёсий таҳлил қилиб, уларнинг жойлаган ўрни, аҳоли манзилгохларининг ўрнини кўрсатиб бергани воҳа тарихини ўрганаётган тадқиқотчилар учун муҳим манба бўлиб ҳизмат қилишини такидлашимиз ўринлидир. Шунингдек М.Котуренко ва М. Вирскийнинг[20]айнан мана шу даврда Жиззах уездида қилган илмий тадқиқотлари воҳа аҳолисининг сони ва этник таркиби тўғрисида жуда кўплаб қизиқарли маълумотларни беришини алоҳида такидлашимиз ўринлидир. Россия империяси ҳукумуронлиги вақтида чоп этилган энциклопедияларидан ҳам ўлка аҳолиси таркиби, сони, аҳоли пунктлари, турли этник бирликлари ҳақида ҳам бир қанча маълумотларни олишимиз мумкин[21]. Аммо яна шуни ҳам алоҳида таъкидлашимиз керакки, тоталитар сиёсат натижасида олиб борилган турли тадқиқот ва экпедитциялар кейинчалик собиқ совет давлатининг олиб борган нотўғри этник ёндашиши, халқлар маданияти йўқолишига, совхоз ва колхозлар қурилиши жараёнида ҳам шунга ўхшаш ҳолатлар бўлганлигидан воҳанинг тарихини ёритишда бир ёқлама қарашлар кучайиб кетганлигига гувох бўлдик. Натижада бундай нотоғри сиёсий, бир йоқлама ёндашувлар халқимизнинг хаққоний тарихини ёритишга бўлган тадқиқотларга тўсиқ бўлиб ҳизмат қилган. Аксарият янги ташкил қилинган аҳоли манзилгохлари ва уйларга турли ҳудудлардан ахолининг кўчириб келтирили натижасида, фарғоналик, ўратепалик, қашқадарёлик, тошкентлик, андижонлик, намангонлик, нижонлик, мўлканлик, ва шунга ўхшаш жой номлари билан аталадиган масканларган ўша ном билан аталадиган ҳудудлардан халқлар мажбуран олиб келиб жойлаштирилган. Шунингдек россиядан украинадан маҳаллий аҳолининг ерларига руссийзабон ва европа ахолиси татарлар, бошқирдлар, немислар, яхудийлар, поляклар, шведлар, грузинлар ва шу каби бошқа ҳалқлар бу ерга мажбурлаб келтирилди. Бунинг сабаби, ялпи совет маданияти яратиш шунингдек воҳа аҳолиси онгига сохта ва хато ғояларни сингдириш бўлган. Бундай бошқарув тизими бутун ўлка аҳолисининг этник ҳолатини, унинг урф-одатлари, жой номларини ўрганишда бир тарафлама талқин этилганлигини билан ҳам изохланади. Қисқаси, XX асрнинг даслабки йилларида Самарқанд округи ва унинг уездлари аҳолисининг таркиби ва этнотопономик тарихини, воҳада мавжуд этник гуруҳлар ва топонимлар асосида ёритишга ҳаракат қилган бир қанча хорижий тадқиқотчилар, хусусан, рус ҳарбийлари, шарқшунос, топономист, географ ва бошқа касб эгаларининг тадқиқотлари ҳам илмий манба сифатида муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки бундай тадқиқотларда ўша даврдаги минтақадаги фан учун бирмунча бегона бўлган, аммо ғарб тадқиқотчилигида қўлланилган янгича илмий ёндашувлар қўлланилган бўлиб, уларнинг тадқиқотлари бирмунча изчиллиги ва аниқлиги билан бошқа тадқиқотлардан ажралиб турган[22]. Шунингдек, маҳаллий шу ҳудудларда яшаб ижод қилган муаллифлар учун одатий ва оддий ҳолатга айланган урф-одатлар, этнографик материаллар анчагина фарқли бошқа маданиятга мансуб бўлган россиялик ва боқа миллатлардан бўлган муаллифлар учун қизиқарли ва муҳим ҳисобланганлигини ҳам алоҳида этироф этишимиз даркордир. Шунингдек воҳа тарихини ўрганган тадқиқотчилар, маълум бир ютуқлар билан биргаликда, ўзларининг изланишларида бирмунча хато ва

камчиликларга йўл қўяди[23]. Хусусан, этноним ва жой номларининг маҳаллий номининг бирмунча бузилган тартибда берилиши, этнолингвистик қонунларига риоя этмасдан тадқиқот олиб борган бошқа миллат вакили бўлган муаллифларнинг бази бир масалаларни ўзларича, миллий, диний ва этник мансублигидан келиб чиққан ҳолда турлича ёритганликлари, чуқур тадқиқ қилмасдан баъзида бирёқлама ва нохолис йўл тутганлигини кузатамиз.

Бундай вазиятлар асосан воҳанинг уруғ, қабилаларига ёки бир этносига таъриф бераётганда бўрттириб ёки ошириб тасвирлаш ҳолатлари, яна бошқаларига нисбатан эса аксинча йўл тутилганлиги каби ҳолатларда кўзга ташланади[24]. Бундай ҳолатлар айниқса, Туркистон ўлкасининг уруғ қабила ва этнослари бўйича материаллар тўплаган рус тадқиқотчиларининг кўпчилигида бу нарса яққол кўринади. Улар ўлка халқларининг этник таркибини таҳлил қилиш жараёнида эволюционистик назарияга асосан, яъни маҳаллий ерлик аҳолининг қайси бирининг тарихи янада қадимий, ёки, қай бириники аксинча эканлиги масаласида яққол сезилади. Яъни воҳанинг маҳаллий халқлари тарихига доир ёзма манабалар ва этнографик материаллари чуқур таҳлил қилиб ўрганилмаган ва минтақамизда яшаётган уруғ ва этносларнинг умумий тарихи илмий жиҳатдан ҳаққоний ёритилмаган. Бу минтақадаги қадимий туркий халқларни кўчманчи ва келгинди, эроний (тожик) аҳолини эса аксинча бу жойларнинг қадим маҳаллий аҳолиси, ўзига ҳос маданият яратувчиси сифатида билиши ва бу масалага шундай ёндашиши уларнинг тадқиқотларида сезилиб туради[25]. Ҳолбуки, бу вақтдаги архив ва статистик малумотларда ҳам минтақа аҳолисининг асосий катта қисми ўтроқ ҳолда ҳаёт кечириб туркий бўлган аҳоли эди. Шунинг учун XIX асрнинг охири XX аср бошларида Жиззах воҳаси аҳолисининг этник таркибига оид маълумотларда бир қанча муаммолар кўзга ташланади. Бу каби қарама қарши фикрлар ўтган асрлардаги тадқиқотларда ҳам бугунги кундаги тадқиқотларда ҳам учраб туришини тадқиқотларимиз давомида кузатдик. Масалан, ўзбек давлатчилиги ва унинг тарихига оид тадқиқотлар қилаётган бир қанча хорижий тадқиқотчилар ҳусусан, россиялик С. Абашин ва америкалик олим А. Халид, туркиялик Ў.Ҳунқо, япониялик Акира Уеда[26], ларнинг минтақамиз билан боғлиқ бўлган тадқиқотларига қараганимизда, бунга ўхшаш манзаралар кўзга ташланади. Айниқса таниқли олим С. Абашин миллий чегараланиш сиёсати билан боғлиқ ишларнинг тўғри ташкил этилмаганлигини, маҳаллий ҳокимият вакиллари томонидан бир қанча ҳатоликларга йўл қўйилгани, қўшни республикалар чегаралари белгиланаётган вақтда маҳаллий аҳолининг истакларига умуман қулоқ солинмаганлигини марказдан келган буюруқлар асосида амалга оширилганини ўзининг тадқиқотларида такидлаб ўтиб бу жараёнлар бутун республика ҳудудида, хусусан, Зарафшон, Жиззах воҳасини ҳам қамраб олганлигини бир қанча мисоллар билан келтириб ўтади[27].

Шунингдек, америкалик тадқиқотчи А.Халид ўзининг Туркистон ўлкасининг парчаланиши турли “совет миллатлари”нинг шакллантирилиши га оид тадқиқотларида жадидлар томонидан ўлкада юритилган миллий сиёсатни юксак баҳолаб, Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Бухоро, Хоразм ва ҳоказо каби бир нечта бир биридан ижтимоий, маданий, этник жихатдан фарқ қиладиган ҳудудларда ягона миллатни шакллантириш жараёни муваффақиятли якунига етказилганини такидлаб ўтади. Тадқиқотчининг фикрига кўра, XX асрнинг дастлабки чорагида жадидлар “Катта Туркистон” ғоясини амалга ошириш режаси Советлар қаршилигига учрайди, аммо “Кичик Туркистон”, яъни Ўзбекистонни барпо қилишда эса маҳаллий зиёлиларнинг бу ғояси ижобий ролни бажарган[28]. Самарқанд округи ва вилоят таркибида бўлган уездлар ҳусусан, Жиззах уезди маҳаллий аҳолисининг аксарият қисми ўзбек (туркий) тилида сўзлашиши ва ўзларини асосан “ўзбек” деб аташлари турли тадқиқотчиларнинг маълумотларида келтириб ўтилган. Шунга ўхшаш сабабларга асосланиб иш юритган Зарафшон (Бухора) воҳаси зиёлилари (жадидлари), ниҳоят “Ўзбекистон” деган ном билан давлатни барпо қилишга катта ҳисса қўшган ва мамлакат ҳудудларида ушбу этник номнинг кенг тарқалишига ҳал қилувчи ўринда турганлар.

Хулосалар. Хуллас, XIX охири XX аср бошларида Жиззах воҳаси аҳолиси этник таркиби масаласини у ёки бу даражада қараб чиқиш орқали шундай ҳулосалар қилишимиз мумкинки, бу давр минтақамиз тарихида ўзининг ниҳоятда зиддиятли ва муаммоларга тўла бўлган, ўзаро курашлар авж олган бир палласи сифатида ўзини намоён этади. Айнан мана шу даврда ижтимоий ва маданий йўналишларда бир қанча ютуқлар эришган бўлган бўлсада, турли соҳаларда яна кўплаб муайян хатоликлар ва бирёқлама қарашларга йўл қўйилган.

**АДАБИЁТЛАР**


1. Шипов А Хлопчатобумажная промышленность и важност ее значения для России // Стат. сборник. Отд. 2. – М., 1858. – 50 с;
2. Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. Т. 1-2. - СПб., 1911. - 340.
3. https://www.academia.edu/34934478/Гребенкин_Таджики_Узбеки_Мелкие_народности_Зеравшанского_округа_1872
4. Макшеев А.И.«Географические, этнографические и статистические материалы о Туркестанском крае» — книга автора Макшеев А.И., 60 с.. Издано: (1871).
5. Арандаренко Г. Скотоводство в Зарафшанской долине // Туркестанские ведомости. 1881. № 8.
6. Хорошхин А.П. “Кызылкумский дневник” В КН. Хорошкин А.П. Сборник статей касающихся до Туркестанского края. СПб, 1876, с 398-402;
7. Ростиславов М.Н. Очерк видов земельной собственности и поземельный вопрос в Туркестанском крае. – СПб., 1876. – 335 с.;
8. Колоколцов Д.Г. Экспедиция в Хиву в 1873 году: от Джизака до Хивы. (Походный дневник). - Санкт-Петербург, 1873. – С.383.
9. Радлов В.В. Из Сибири. Страницы дневника. – М.: 1989. – С. 532-578.
10. Алманов Қ.Ғарбий турк ҳоқонлиги даврида Уструшона тарих фанлари фалсафа доктори даражасини олиш учун ёзилган десертация автореферати Қ.2021 21-22 б
11. Олим Ғ. Ўзбек уруғларидан қатағонлар ва уларнинг тили // Илмий фикр журнали, №1. – Самарқанд – Тошкент, 1930 (лотин ёзувида); Айни С. Куллиёт. Ҷ.12. /С.Айнӣ.–Душанбе:Ирфон,1976.–С.124-150.
12. Вирский М.М. Волости Зерафшанского округа по сведениям 1873-1874 гг. // МСТК. Под. ред. Н.А. Маева. Вып. 4. – СПб, 1876; Ўша муалл. Список населенных мест Самаркандской области (по сведениям 1904 и 1905 гг.). – Самарканд, 1906.

13. Вяткин В.Л. Материалы к исторической географии Самаркандского вилаета // СКСО. 1912. Вып. VII. – Самарканд, 1902.
14. Поливанов Е.Д. Этнографическая характеристика узбеков. Вып. 1. Происхождение и наименование узбеков. – Т. 1926.
15. Потапов Л.П. Материалы по семейно-родовому строю у узбеков «кунград» // Научный мысль, 1930, №1.
16. Колокольцов Д.Г. Экспедиция в Хиву в 1873 году: от Джизака до Хивы. (Походный дневник). – Санкт-Петербург, 1873;
17. Андреев М.С. Некоторые результаты этнографической экспедиции в Самаркандской области в 1921 году. – Ташкент: “Наука”, 1922.
18. Зарубин И.И. Население Самаркандской области. (Численность этнографический состав и территориальное распределение с этнографической картой). – Ленинград: Изд. Акад. наук, 1926. – С.8-25.
19. Магидович И. Население // Материалы по районированию Средней Азии. Книга 1. Территория и население Бухары и Хивы. Часть 1. Бухара. – Т., 1926.
20. Котуренко М. “О населенных местах Джизакскаго уезда” // Статистическия сведения по Сырдарьинской области. Выпуск 1, Часть 3. – Ташкент, 1872; Состав народонаселения Сырдарьинской области по племенам // Статистическия сведения по Сырдарьинской области. Выпуск 1, Часть 3. – Ташкент, 1872; Вирский М. Статистическая сведения городам и волостям уездов Самаркандской области за 1897 г. // Справочная книжка Самаркандской области. Выпуск VI. - Самарканд, 1899.
21. Голодная Степь // Энциклопедический словарь. Под ред. Проф. И.Е.Андреевского. 1890-1907. Т.9. – Санкт-Петербург: Ф.А. Брокгауз, И.А.Ефрон, 1893. – С. 101.
22. Абашин С.Н. Этнографическое знание и национальное строительство в Средней Азии … – С. 10-12.
23. Гребенкин А.Д. Таджики // Русский Туркестан. Сборник, изданный по поводу политехнической выставки. Вып.2. – М., 1872. – С.1–3; Федченко А.П. Первый отчёт туркестанской учёной экспедиции // Федченко А.П. Путешествие в Туркестан. – М., 1950. – С.65-66.
24. Абашин С.Н. Этнографическое знание и национальное строительство в Средней Азии … – С. 16-35.
25. Кузнецов П.Е. О таджиках Ташкентского уезда (краткий отчёт) // Известия Туркестанского отдела Императорского Русского географического общества. Т.2. Вып.2. – Т., 1900. – С. 41.
26. Абашин С.Н. Этнографическое знание и национальное строительство в Средней ... – С. 19.
27. Сухарева О.А. Бухара XIX – нач. XX вв. – М.: Наука, 1966. – С. 127; Сухарева О.А. Квартальная община позднефеодального города Бухары (в связи историей кварталов). – М., Наука, 1976. – С. 17-20.
28. Ueda Akira. How did the nomads act during the 1916 revolt in Russian Turkistan? // Journal of Asian Network for GIS-based historical studies. – Vol.1. – Nov.2013. – P. 33-44.

O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/6]
ISSN 2181-7324

TARIX
https://science.nuu.uz/
Social sciences

***Одилжон ТОПИЛДИЕВ,***
*Наманган давлат университети доценти, т.ф.н*
*E-mail: rodilbek@mail.ru*

*т.ф.н., доцент Қаюмов М.У. тақризи асосида*

**NEW SYSTEM OF WORK WITH YOUTH IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

Annotation
The article highlights a wide range of issues related to the new system of work with youth in the Republic of Uzbekistan. In particular, the introduction of the "makhalla" system of work in order to achieve a deeper understanding of the problems of youth, eliminate the root causes of shortcomings, improve the living standards of the population in all regions of the country launched a new stage of work with youth in Uzbekistan.
**Key words:** Youth, neighborhood, work in mahalla, reform, youth policy, youth reforms, mahalla, youth book, youth balance, youth portal.

**НОВАЯ СИСТЕМА РАБОТЫ С МОЛОДЕЖЬЮ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН**

Аннотация
В статье освещен широкий круг вопросов, связанных с новой системой работы с молодежью в Республике Узбекистан. В частности, внедрение «махаллинской» системы работы в целях достижения более глубокого понимания проблем молодежи, устранения коренных причин недостатков, повышения уровня жизни населения во всех районах страны дало старт новому этап работы с молодежью в Узбекистане.
**Ключевые слова:** Молодежь, соседство, работа в махалля, реформа, молодежная политика, молодежные реформы, махалля, молодежная книга, молодежный баланс, молодежный портал.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШНИНГ ЯНГИЧА ТИЗИМИ**

Аннотация
Мақолада Ўзбекистон республикасида ёшлар билан ишлашнинг янги тизимига оид масалалар кенг ёритиб берилган. Жумладан, ёшлар масаласига янада чуқурроқ кириб бориш, камчиликларнинг туб илдизига етиб бориш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш натижасида мамлакатда барча соҳада олиб борилаётганислоҳотлар самарадорлигига эришиш учун «маҳаллабай» ишлаш тизимининг жорий этилиши Ўзбекистон Республикасида ёшлар билан ишлашнинг янги босқичини бошлаб берди.
**Калит сўзлар:** Ёшлар, маҳалла, маҳаллабай ишлаш, ислоҳот, ёшлар сиёсати, ёшларга оид ислоҳотлар, “маҳаллабай” ишлаш йўналиши, ёшлар дафтари, ёшлар баланси, ёшлар портали.

**Кириш.** Дунё миқёсида аҳоли таркибида ёшларнинг сон жиҳатидан салмоғи ошиб бораётган ҳозирги шароитда уларни турли ҳавф-хатарлардан ҳимоя қилиш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бугунги дунё ёшлари сон жиҳатидан энг катта авлод бўлиб, улар 2 миллиардни ташкил этмоқда. Ўзбекистон Республикасида ёшларни ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга зарур шарт-шароитлар, имкониятларни яратиш борасида мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган бўлиб, давлат томонидан кенг қамровли ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда. Бугунги кунгача Ўзбекистон Республикаси Парламенти томонидан ёшларга оид 40 дан ортиқ қонунлар қабул қилинган бўлиб, 30 дан ортиқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ратификация қилинган. Мамлакатимизда “Янги Ўзбекистон”ни барпо этиш йўлида асосий таянч бўлган ёшларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларга барча соҳаларда ўз иқтидори, салоҳиятини тўлиқ намоён этиши учун зарур шароит ҳамда имкониятлар яратиб бериш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида ривожланмоқда.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йил 27 январь куни ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда президент мамлакатда 30 ёшгача бўлган ёшлар сони 18 миллиондан зиёдлиги ва бу – аҳолининг қарийб 55 фоизини ташкил этишини таъкидлади. Йиғилишда Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси ва Ўзбекистон ёшлари форумида ёш авлод манфаатларига оид айтилган таклифларни амалга ошириш, ёшлар билан ишлаш бўйича янгича тизимни жорий этиш борасидаги долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев бу ишлар иккита муҳим йўналишда ташкил қилиниши зарурлигини кўрсатиб ўтди. Биринчиси – ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, касб-ҳунарга ўқитиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш бўлса, иккинчиси – ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилишдир. Президент ташаббуси билан “маҳаллабай” ишлаш тизимининг жорий этилиши аҳоли фаровонлигини юксалтириш, бандлигини таъминлаш ҳамда даромадини яхшилашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Юқорида ўтириб ишлаш, турли дастурлар ишлаб чиқишнинг даври ўтди. Ахир ҳудуднинг имкониятларини, билмаган киши унинг тараққиётини қандай белгилай олади. Илк бор ҳаётга татбиқ этилаётган “маҳаллабай” тизимига кўра, энди туман-шаҳарлардаги иқтисодий комплекс ходимлари ҳар бир маҳаллага бириктирилиб, ўз соҳасига доир масалаларни ҳал қилиб боради. Мавзуни ўрганиш ҳамда тахлил қилишда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан “Маҳаллабай” ишлаш тизими туғрисида чиқарилган қонун, қарор, фармон, дастурлар муҳим меъёрий ҳуқуқий манбаа сифатида долзарб аҳамиятга эга. Бу борада “маҳаллабай” ишлаш тизими янгича тизим бўлиб, президент нутқида бу тизимнинг ишлаш тамойиллари кўрсатиб берилди ва энди

масъуллар, тадқиқотчилар томонидан бу тизим кенг миқёсда тадқиқ этилмоқда.

**Тадқиқот методологияси.** Ҳар қандай ислоҳот фуқаролар манфаатига хизмат қилиши керак. Бунинг учун эса амалдаги ҳаракатлар қуйидан бошланмоғи мақсадга мувофиқдир. Зеро, Ватан оиладан, маҳалладан бошланади, деган ибора бор. Шундай экан, кейинги йилларда нафақат, маҳаллага, балки, ҳар бир хонадонга бўлган эътибор ҳамюрт–ларимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамламоқда. Бунинг натижасида узоқ йиллардан буён ўз ечимини кутиб турган муаммолар ижобий ечим топа бошлади. Масалага янада чуқурроқ кириб бориш, камчиликларнинг туб илдизига етиб бориш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш натижасида мамлакатда ҳар соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигига эришиш учун «маҳаллабай» ишлаш тизимининг жорий этилиши Ўзбекистон Республикасида ёшлар билан ишлашнинг янги босқичини бошлаб берди.

Ўзбекистон Республикасида ёшлар билан ишлашнинг янги тизимини тадқиқ этишда тарихийлик, мантиқийлик, анализ-синтез, социологик таҳлил қилиш каби тадқиқот методлари муҳим аҳамиятга эга.

Маҳаллабай ишлаш тизими мураккаб жараён бўлишига қарамасдан, унда ҳар бир инсоннинг дардини тинглаш, унинг қисматини тубдан ўзгартириш, жамият тараққиётини иқтисодий ўсишлар билангина эмас, балки аҳолининг ўз ҳаётидан мамнунлиги билан ўлчаш каби мезонлар мавжуд. Унга кўра ижтимоий-иқтисодий иллоҳотлар, ички ва ташқи ресурслар ҳисобига амалга ошириладиган лойиҳалар, турли идора ва ташкилотларнинг «фаолият йўлаклари» маҳаллалар кесимида ташкил этилади.

Бунинг натижасида айни вақтда юртимиздаги барча соҳалар фаолиятида ва кечаётган ўзгаришлар моҳиятида маҳаллабай сўзининг аҳамияти кундан-кунга ортиб бормоқда. Республикамиздаги барча ташкилот, идораларнинг мазкур амалиёт натижасида жойларда ташкил этаётган иш фаолияти айнан маҳаллалардаги ўзгаришлар ва бу орқали мавжуд муаммоларнинг ҳал этилишига қаратилгани билан янада аҳамиятлидир.

Дарҳақиқат, маҳалладаги мавжуд муаммолар ва аҳолининг кундалик масалаларини ҳал этиш биргина маҳалла тизими ходимлари томонидан бартараф этиш имконсиз. Шу сабабли бу жараёнда ҳар бир соҳа масъулларининг иштироки ва аралашуви муҳим аҳамиятга эга.

Жойларда олиб борилаётган маҳаллабай ишлаш механизмининг муҳим асосини барча соҳа вакилларининг ҳамжиҳат бўлиб, ҳудудлардаги масалаларни ечишга комплекс ёндашаётганини таъкидлаш мумкин.

**Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).** Маҳаллабай ишлаш, бу барча соҳа мутасаддиларининг бир мушт бўлиб, маҳаллалардаги муаммолар, аҳолининг ижтимоий ҳаётидаги муҳим масалаларни биргаликда ҳал этишнинг янгича механизмидир. Жойлардаги муаммоларни маҳаллабай аниқлаш, бартараф этиш, хусусан, ҳудудларда «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла» дастурлари ижросини таъминлаш мақсадида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳлар фаолияти натижасида жойлардаги одамларни қийнаётган кўплаб ижтимоий муаммолар ҳал этилмоқда.

“Маҳаллабай” ишлаш асосида “оғир” маҳаллаларда тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш бўйича “маҳаллабай” ишлаш йўналишининг қуйидаги асосларига алоҳида эътибор қаратилмоқда:

маҳаллаларнинг “ўсиш нуқталари”ни (ихтисос–лашув йўналишларини) аниқлаш ва тадбиркорлик лойиҳаларини амалга оширишда кўмаклашиш;

аҳолининг доимий даромад манбаларини янада кўпайтириш, оилавий тадбиркорликни ва ўзини-ўзи банд қилиб ишлаш фаолиятини янада кенгайтириш чораларини кўриш;

маҳаллаларда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истаги бўлган ташаббускорларни бизнес асосларига ўқитиш;

хонадонларда томорқа ерларидан самарали фойдаланиш, даромадлилигини янада ошириш, маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур асбоб-ускуна ва хом-ашё билан имтиёзли кредитлар асосида таъминлаш, шунингдек, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишга кўмаклашиш жараёнларини ташкил этиш учун “етакчи” тадбиркорлик субъектларини бириктириш;

тадбиркорлик лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш ва фаолиятини мониторинг қилиб бориш, ишлаб чиқарадиган маҳсулоти бозорини топишига ёрдам бериш.

Шунингдек, “етакчи” тадбиркорлар яъни тадбиркорлик тажрибасига ва ижобий молиявий кўрсаткичларга эга, фаолияти маҳалла ихтисослашувига мос бўлган, хонадонларни кооперация асосида юқори даражада қамраб оладиган, “оғир” маҳаллаларда ўз бизнесини ривожлантириш дастурига эга бўлган тадбиркорлар орасидан танлаб олинади;

тижорат банклари томонидан кредитлар кооперация асосида кичик бизнесни ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш учун “оғир” маҳаллаларга бириктирилган “етакчи” тадбиркорлик субъектларига 3 йил муддатгача йиллик 10% ставкада битта маҳалла учун 2 млрд сўмгача миқдорда ажратилади;

етакчи” тадбиркорларга кооперация асосида ишлаётган фуқаро томонидан ишлаб чиқарилаётган (етиштирилаётган) маҳсулотларни сотиб олиш ёки шартномага асосан фуқарога ойлик иш ҳақи тўлаш шарти ўрнатилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2022 йил 19 январда қабул қилинган Қарори[1] ёшлар билан ишлашнинг янгича бошқарув механизмларини жорий этиш, улар билан ишлашнинг вертикал тизимини яратиш, ёшлар муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал этиш, таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини янада оширишга алоҳида эътибор қаратди.

Қарор асосида ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ҳамда овуллардаги ҳар бир маҳаллада ёшлар етакчиси лавозими жорий этилди. Маҳалладаги ёшлар етакчисининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

- “Ёшлар баланси”ни шакллантириш, ёшлар тўғрисидаги зарур маълумотларни “Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар портали” электрон платформаларига киритиб бориш, улар билан самарали иш ташкил қилиш;
- маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, миллий халқ ўйинлари ва спорт турларини ёшлар орасида оммалаштириш, Беш муҳим ташаббус лойиҳалари, ёшлар фестиваллари ва бошқа маданий-маърифий тадбирларни амалга ошириш;
- ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, иқтидори, истеъдоди ва ташаббусларини рағбатлантириш ҳамда ҳаётда ўз ўрнини топишларига кўмаклашиш;
- ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда уларнинг интеллектуал жиҳатдан камол топишини ва маънавий ривожланишини таъминлаш;
- ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар билан тизимли ишлаш, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган, ихтисослаштирилган

ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган ёшларнинг ижтимоий-педагогик реабилитация қилиниши ва мослашувига кўмаклашиш.

Ёшлар етакчиси ўзига бириктирилган маҳаллаларда фаолиятини қуйидаги асосий йўналишларда амалга оширади:

- маданият ва санъатни тарғиб қилиш борасида – “Санъат ғунчалари” кўрик-танлови, мақом, бахшичилик ва эстрада бўйича “Ёшлар овози”, “Ёш мусаввирлар” танловлари ҳамда “Камалак юлдузлари” болалар ижодиёт фестивалини ўтказади, шунингдек, ёшлар ва болалар театр жамоаларини ташкил этади;

- соғлом турмуш тарзи ва спортни оммалаштириш борасида – мини-футбол, волейбол, баскетбол, стол тенниси, велоспорт, югуриш, шахмат, шашка, бадминтон, камондан отиш бўйича мусобақаларни ташкил этади, саломатлик учун 5000 қадам юриш марафони ҳамда “Ёш эколог” акциясини ўтказади;

- ахборот технологияларидан самарали фойдаланишни ташкил қилиш борасида “Бир миллион дастурчи”, “Дастурлашга биринчи қадам” лойиҳаларини амалга оширади, киберспорт чемпионати ва “Ахборот технологиялари билимдони” танловини ўтказади;

- маънавият ва китобхонликни тарғиб қилиш борасида – “Заковат” мусобақаси, “Қувноқлар ва зукколар”, “Зукко китобхон”, “Ёш китобхон”, “Ёш китобхон оила”, “Хорижий тиллар билимдони” ва “Ёш полиглот” танловлари ҳамда “Мунозара” интеллектуал ва миллий халқ ўйинларини ташкил этади;

- ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ҳуқуқий саводхонликни ошириш борасида – “Ёш чегарачи”, “Ёш қутқарувчи”, “Қувноқ стартлар”, “Темурбеклар”, “Тўмарис маликалари”, “Шунқорлар”, “Ёш ҳуқуқшунос”, “Ёш сайловчи”, “Ёш депутат” танловлари ҳамда “Мен ҳам аскар бўламан” акциялари ва ҳарбий қисмларга саёҳатларни ташкил этади;

- тадбиркорлик ғояларини қўллаб-қувватлаш борасида – “Ўзбекистон учун 100 ғоя” ва “Маҳалланинг ишбилармон тадбиркори” танловлари, “Бизнесга биринчи қадам” грант лойиҳаси ҳамда муваффақиятга эришган тадбиркорлар билан учрашувларни ташкил этади.

- ҳар бир маҳаллада “Бир нуронийга ўн нафар ёш”, “Кекса авлод учрашувлари” лойиҳаларини амалга оширади;

- маҳаллаларда ёшларни Ватанга садоқат, миллий қадриятларга ҳурмат, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик руҳида тарбиялашга қаратилган туркум тадбирларни ташкил этиш чораларини кўради.

Бунинг натижасида маҳаллаларда ёшлар билан ишлашнинг яхлит вертикал “маҳалла-туман-вилоят-республика”бошқарув тизимини яратиш бўйича ишлар самарадорлигини назорат қилиш, етакчилар фаолиятида вужудга келадиган муаммоларни ҳал қилиш юзасидан идоралараро ҳамкорликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Демак, бугунги кунда мамлакатда ёшларнинг муаммо ва таклифларини “маҳаллабай” ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жойларда ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари ташкил этилмоқда. “Ёшлар: 1+1” дастури доирасида ўғил-қизларни тадбиркорларга бириктириб, уларда бизнес кўникмаларини шакллантириш, имтиёзли кредитлар ажратиб, ўз фаолиятини бошлашга кўмаклашилмоқда. “Маҳаллабай” ўрганишлар ёшларни касб-ҳунарга ўқитиш, бандлигини таъминлаш, улар учун кредит ажратишда кўплаб камчиликлар сақланиб қолаётганини кўрсатмоқда. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш борасида ҳам кўплаб муаммолар бор. Аксарият маданият марказлари, истироҳат боғлари ва спорт комплексларининг моддий-техник базаси қониқарсиз, тўгараклар номига ишлаяпти. Бу муаммоларни манзилли ҳал этиш учун ҳар бир туман ва шаҳар кесимидаги бир қатор қуйидаги устувор вазифалар белгилаб берилди:

- ҳокимнинг иқтисодиёт, инвестициялар ва қишлоқ хўжалиги бўйича ўринбосарлари – бандлик масалаларига;

- солиқ идораси, савдо-саноат палатаси ва тижорат банклари раҳбарлари – ёшларни тадбиркорликка жалб қилишга;

- ҳокимнинг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари – ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга;

- туман прокурори, ички ишлар ва мудофаа бўлими бошлиқлари – уюшмаган ёшлар билан ишлаш, жиноятчиликни жиловлаш, уларда ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришга масъул бўлди.

**Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommen–dations).** Маҳаллабай ишлаш тизими мураккаб жараён бўлишига қарамасдан, унда ҳар бир ёшнинг дардини тинглаш, унинг тақдирини тубдан ўзгартириш, жамият тараққиётини иқтисодий ўсишлар билангина эмас, балки камбағалликни қисқартириш, ёшлар бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир. Бу вазифалар ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, ички ва ташқи ресурслар ҳисобига амалга ошириладиган лойиҳалар, турли идора ва ташкилотларнинг «фаолият йўлаклари» маҳаллалар кесимида ташкил этилиши натижасида ривожланади. Республикада фаолият олиб бораётган барча ташкилот, идораларнинг мазкур амалиёт натижасида жойларда ташкил этаётган иш фаолияти айнан маҳаллалардаги ўзгаришлар ва бу орқали мавжуд муаммоларнинг ҳал этилишига қаратилгани билан янада аҳамиятлидир. Дарҳақиқат, маҳалладаги мавжуд муаммолар ва ёшларнинг кундалик масалаларини ҳал этиш биргина маҳалла тизими ходимлари томонидан бартараф этиш имконсиз. Шу сабабли бу жараёнда ҳар бир соҳа масъулларининг ҳамжиҳат бўлиб, иштирок этиши ҳудудлардаги масалаларни ечишга комплекс ёндашиши муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

## АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2022 йил 19 январда қабул қилинган Қарори. // Халқ сўзи, 2022 йил 19 январь.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2021 йил 19 мартдаги “Махаллабай” ишлаш тизимини амалиётга жорий этиш ва аҳолининг тадбиркорлик ташабусларини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 152-сонли Қарори.
3. https://xs.uz/uzkr/post/mahallabaj-ishlash-tizimining-mohiyati-nimada-uning-amalij-samaralari-qandaj-vazir-shu-bilan-bogliq-dolzarb-savollarga-batafsil-zhavob-qajtardi?ysclid=l3hy18hpeg

**O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [1/6]**
**ISSN 2181-7324**

**TARIX**
https://science.nuu.uz/
**Social sciences**

**УДК: 378.1:631.6(575.1)(043)**

***Раъно ХАТАМОВА,***
*ЎзР ФА Ўзбекистон тарихи давлат музейи Туризм ва маркетинг бўлим бошлиғи*
*Тарих фанлари фалсафа доктори (PhD)*
*E-mail: xatamovar16@gmail.com*

*Ислом цивилазацияси маркази профессори Ф.Эрназаров тақризи асосида*

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ БИРИНЧИ ИРРИГАТОРИ – МАҚСУДХЎЖАЕВ САЙФИДДИН

Аннотация

Ушбу мақолада Совет империяси даврида илк ирригаторлар тайёрлаш тизимининг йўлга қуйилиши, Ўзбекистоннинг биринчи ирригатори Тошкентлик Мақсудхўжаев Сайфиддин фаолияти ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** Ирригатор, сув, сув ҳўжалиги, ирригация.

## ПЕРВЫЙ ИРРИГАТОР УЗБЕКИСТАНА – МАКСУДХОДЖАЕВ САЙФИДДИН

Аннотация

В статье рассказывается о создании первой ирригационной системы в советское время, о деятельности первого оросителя Узбекистана Максудходжаева Сайфиддина из Ташкента.

**Ключевые слова:** Ирригатор, вода, водное хозяйство, орошение.

## THE FIRST IRRIGATOR OF UZBEKISTAN – MAQSUDKHOJAEV SAYFIDDIN

Annotation

The article tells about the creation of the first irrigation system in Soviet times, about the activities of the first irrigator of Uzbekistan Maksudkhodzhaev Sayfiddin from Tashkent.

**Key words:** Irrigator, water, water management, irrigation.

**Кириш.** Ҳар қандай минтақа ёхуд ҳудудга хос ва асрлар давомида шаклланган сув цивилизациясининг муайян даврдаги қиёфаси ва ундаги ўзгаришлар босқичи ушбу цивилизация анъаналари ва инновацияларининг узвий боғлиқлиги ёки бу борадаги тамойилларнинг бузилиши билан мос ҳолда намоён бўлади. Бу сув цивилизациясининг шаклланиши ва табиий муҳит ўзгаришлари, тарихий ва ижтимоий жараёнлар кетма-кетлиги билан узвий боғлиқлик қонунининг мазмун-моҳиятини ташкил қилади.

Шу нуқтаи-назардан ўлкамизда сув цивилизацияси анъаналарининг ривожланиш босқичларини таҳлил қилиш муҳим хулосаларга келиш имконини беради. Қилинган илмий хулосалар эса, XX асрда бу борадаги ўзгаришлар ва янгиланишларнинг мазмун-моҳиятини, уларнинг натижалари ва оқибатларини англаш имконини яратади.

Ўзбекистонда асрлар давомида шаклланган сувдан фойдаланиш ва шу соҳа мутахассислари бўлган ирригаторлар тайёрлаш анъаналари тарихини илмий ўрганишда бутун дунё аҳолиси ва минтақамизда инсонлар учун қадимги даврлардан бошлаб сув омилининг қандай аҳамият касб этгани, у билан боғлиқ жараёнларнинг мазмун-моҳиятини тадқиқ этиш катта аҳамиятга эга.

Ҳозирги замон шароитида сув хўжалигини йўлга қўйиш ва жаҳоннинг илғор тажрибасидан фойдаланиш соҳа тарихини янги методологик ёндашувлар ва бирламчи манбаларга асосланиб ёритишни талаб этади. Бу нафақат тарих фани, балки жамият иқтисодий ҳаётини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган долзарб вазифадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 27 июльдаги ПҚ-3151-сон “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-3003-сон “Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 17 апрелдаги ПФ-5418-сон “Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 8 майдаги 45-сон “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 4 апрелдаги ПҚ-4268-сон «Аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан ўз вақтида таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармон ва қарорлари ҳамда бошқа ҳужжатларда белгиланган вазифалар хам сув хўжалиги ва кадрлар масаласи қанчалар муҳим эканлигини кўрсатади.

Россия империяси даврида хам сув хўжалиги соҳаси учун ирригатор гидротехник кадрлари тайёрлашга доир бир қанча қарорлар қабул қилди. Бу қарорларда қишлоқ ва сув хўжалиги учун кадрлар етказиб бериш вазифаси долзарб вазифалардан бири эди. Россия империясини Марказий Осиёни истило қилишдан асосий мақсади, минтақанинг табиий бойликларини тасарруф қилиш бўлса, қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишда кадрлар етишмовчилиги режаларини амалга оширишга тўсқинлик қиларди. Бу даврда Россия империяси кўпроқ эътиборини ўзлаштирилмаган ерларда суғорма деҳқончилик лойиҳаларини ишлаб чиқаришга қаратди. 1908 йилда М.Ермолаев раҳбарлигидаги ишлаб чиқилган Қайроққум канали қурилиши лойиҳаси, 1910-1915 йилларда Г.К.Ризенкампф томонидан яратилган “Қўриқ ерларни суғориш” лойиҳаси шулар жумласидандир. Бу лойиҳаларга Россия империяси томонидан етарли маблағлар ажратилмаганлиги сабабли уларни амалга ошириш имкони бўлмади.

Октябрь тўнтаришидан сўнг совет раҳбарияти мавжуд лойиҳаларни ҳар томонлама урганиб чиқди. Олий

ва ўрта махсус маълумотли кадрлар – мухандис-ирригаторлар ва техник-ирригаторлар тайёрлашга алоҳида эътибор берилди.

Туркистон ирригация бошқармаси (ИРТУР) ташкил этилгач сув ҳўжалиги ходимлари учун ўқув дастурлари ташкил этила бошланди. Ўқув дастурларидан кўзланган мақсад асрлар давомида шаклланган суғориш тизимларини замонавий технологияларга асосланган ҳолда бошқарадиган, сув ресурсларидан оқилона фойдаланадиган сув хўжалиги ходимларини тайёрлаш жараёнини босқичма-босқич йўлга қўйишдан иборат эди. Бу ўқув курслари илк ташкил этилган даврларида фаолиятини ариқ оқсоқоллари ва ирригаторлар тайёрлашдан бошлади[1].

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Мақолага оид маълумотлар Ўзбекистон миллий архивининг 2408-фонд, 2527-фонди, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизациялаш муҳандислари институти жорий архиви ҳужжатларида акс этган. Тадқиқотчилардан Н.Обламурадов, Қ.М.Насритдинов, С.Турсуновларнинг илмий-тадқиқот ишларида Ўзбекистон ҳудудида ирригация соҳасида олиб борилган ишларга оид маълумотларни кўришимиз мумкин.

**Тадқиқот методологияси.** Мақолада XX асрда Ўзбекистон ҳудуди ирригация тизимлари ва унинг кадрлар масаласига таъсирини тарихийлик, тизимлилик, қиёсий таққослаш усулларидан фойдаланган ҳолда ўрганилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Россия империяси Марказий Осиёга пахта хом-ашёси сифатида қарашни бошлади. Шу мақсадни амалга ошириш учун Россия империяси томонидан 1902 йил 2 январда Тошкентда илк бор "Тошкент қуйи қишлоқ хўжалиги 1-разрядли гидротехника билим юрти" очилди. Билим юртининг вазифасига муҳим суғориш усуллари, суғориш тизими иншоотларини ўрганиш кирган. Мактаб ўз фаолиятини 1918 йилгача давом этдирган[2]. Айнан мана шу "Тошкент қуйи қишлоқ хўжалиги 1-разрядли гидротехника билим юрти"да "Ўзбекистоннинг биринчи ирригатори" Мақсудхўжаев Сайфиддин 1907 йилда тамомлаган[3].

Сайфиддин Мақсудхўжаев 1887 йил Тошкент шаҳрида туғилган бўлиб, мутахассислиги ирригатор ва 43 йил ирригация соҳасида ишлаган. Мақсудхўжаев оилали – турмуш ўртоғи, қизи ва 3 нафар ўғли бўлганлиги қайд этилган. 1954 йил март ойида вафот этган. Иш фаолиятини 1909 йил 10 августда шаҳар ер-сув бошқармасида котиб (мунший, русчасига "писарь") лавозимида бошлаган. Кейинчалик сув назоратчиси лавозимига ўтказилган.

1918-1923 йилларда Тошкент шаҳар Ижроия қўмитаси ҳузуридаги ер-сув бошқармасида бўлим бошлиғи ўринбосари ва бошлиғи вазифаларида, 1923-1924 йилларда Бузсув сув округи раҳбарининг ўринбосари, 1924-1931 йилларда 11-область сув хўжалиги раҳбарининг ёрдамчиси, 1931-1936 йилларда Тошкент шаҳар Кенгашининг "Қишлоқ хўжалик" бўлимида, 1936-1938 йилларда шаҳар коммунал хўжалигида, 1938-49 йилларда "Сув хўжалиги" бошқармасида (лавозимини ажратиб олишни имкони бўлмади), 1949-53 йилларда шаҳар ирригация бошқармасида мухандис лавозимларида ишлаган[4].

Тошкент шаҳридан Бўз сув, Қора сув, Солор, Кайкавус, Анҳор каби каналлар ва Оққўрғон, Дарвозакент каби йирик ариқларнинг оқиб ўтишини[5] ҳамда шаҳар аҳолисининг асосий қисми ўша пайтлар ичимлик сувини очиқ сув ҳавзаларидан олганини эътиборга олсак, Сайфиддин ота Мақсудхўжаевнинг ҳам бу соҳада хизматлари катта бўлганини таъкидлаш лозим.

Бутун иттифок ижроия Қўмитаси ҳузурида очарчиликка қарши курашиш учун "ЦКПоследгол" (Очарчилик оқибатларини олдини олиш Марказий Қўмитаси) медал кўринишида жетонлар чикарган. Жетонлар олтин нархида 15 рубль бўлган, уни харид қилганларга Бутун иттифок ижроия Қумитаси раиси М.И. Калинин имзоси мавжуд бўлган фахрий ёрлиқ берилган. С.Мақсудхўжаев ҳам 1923 йилда шундай фахрий ёрлиққа сазовор бўлган.






Кейинчалик хам Россия империяси сув хўжалиги соҳаси учун ирригатор гидротехник кадрлари тайёрлашга доир бир қанча қарорлар қабул қилди. Бу қарорларда қишлоқ ва сув хўжалиги учун кадрлар етказиб бериш вазифаси долзарб вазифалардан бири эди. Россия империясини Марказий Осиёни истило қилишдан асосий мақсади, минтақанинг табиий бойликларини тасарруф қилиш бўлса, қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишда кадрлар етишмовчилиги режаларини амалга оширишга тўсқинлик қиларди. Бу даврда Россия империяси кўпроқ эътиборини ўзлаштирилмаган ерларда суғорма деҳқончилик лойиҳаларини ишлаб чиқаришга қаратди. Мана шундай ишларни бажаришда Сайфиддин Мақсудхўжаев хам ўз жонбозлигини кўрсатиб фаол иштирок этди.

Сув ҳўжалигига қушган ҳиссаси учун Мақсудхўжаев 1944 ва 1947 йилларда ЎзССР Олий Советининг фахрий ёрлиғлари билан, 1946 йилда эса "Улуғ-Ватан уруши даврида фидокорона мехнатлари учун" медали билан, 1950 йилда "Хурмат белгиси" ордени билан тақдирланган.

Мамлакатда бошланган "коллективлаштириш" жараёнида ирригатор кадрларга бўлган талаб сув ўнбошилари (водных десятников)ни тайёрловчи мактаблар тармоғини ва техник-ирригаторлар тайёрловчи техникумларни ташкил этишни тақазо этди[6].

1928 йил Халқ комиссарлари кенгаши мироб, ариқ оқсоқоли, вилоят гидротехники тайёрлаш бўйича курслар ташкил қилди, бу курсларнинг ташкил этишнинг асосий шарти сув хўжалиги сохасида махаллий миллат ахолиси

бир йил, бошқа миллат вакилларига эса уч йил ишлаган бўлиши керак эди[7].

Кейинчилик XX асрнинг 20-йилларида кўплаб ирригатор кадрлар етишиб чиқди. Асрлар давомида ирригаторлик отадан болага, аждоддан авлодга ўтиб келган бўлса, энди мутахассислик даражасига етди.

Ана шундай техникумлардан 1923/24 йилларда фаолият юритган Гидротехника техникуми кундузги ўқув курсини 5 киши, ирригация тармоқлари бўйича кечки курсларни 50 киши тамомлади[8].

Совет даврининг биринчи беш йиллик режаси яъни 1925-1929 йилларда халқ хўжалигининг барча соҳаларига мутахассислар етказиб бериш "ишчи-деҳқонлар" орасидан кадрлар тайёрлаш сиёсати асосида олиб борилди. Қишлоқ хўжалигига кадрлар тайёрлаш техник-моддий базанинг йўқлиги туфайли олиб борилган ишлар кўп ҳолларда самараси кам бўлсада, соҳа аста-секин тиклана борди.

1928 йил Халқ комиссарлари кенгаши мироб, ариқ оқсоқоли, вилоят гидротехники тайёрлаш бўйича курслар ташкил қилди, бу курсларнинг ташкил этишнинг асосий шарти сув хўжалиги сохасида махаллий миллат ахолиси бир йил, бошқа миллат вакилларига эса уч йил ишлаган бўлиши керак эди[9].

Таъкидлаш керакки, 1928-1929 йилларда қишлоқ хўжалигида 285 нафар олий маълумотли, 2485 нафар ўрта махсус маълумотли мутахассислар фаолият олиб борган. Республикада 1928 йилда 7 та, 1929 йилда 11 та қишлоқ хўжалиги техникумлари мавжуд эди. Уларнинг сони 1930 йилда 18 тага етказилди ва 1928-1930 йилларда 400 та мутахассис, шундан 200 та агроном ва ирригаторлар тайёрланди. Партия томонидан коллективлаштириш жараёнининг асоссиз тезлаштирилиши хўжаликларда қишлоқ хўжалик мутахассисларига талабни оширди. 1929 йилда ВКП(б) МҚ пленумида "25 мингчилар" (Двадцатипятитысячники) ҳаракатини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалик ишларини ривожлантириш учун 1930 йилда асосан турли ташкилотларнинг касаба уюшмалари аъзоларидан иборат 169 кишилик "25 мингликлар" харакати аъзолари жалб этилди. Уларнинг ичида 50 та маҳаллий миллат вакиллари бор бўлиб, улар хўжаликлар бошқаруви раиси ва ўринбосарлари сифатида фаолият кўрсатди[10].

Кейинги авлодга ирригация тизимини ўргатишда, соҳа ривожида Сайфиддин Мақсудхўжаевнинг хиссаси беқиёсдир.

**Хулоса.** Мустақилликнинг кейинги йилларида қолган даврлардан сув хўжалигида фарқли уларoқ, мамлакатимизда инновациялари уйғунлигини таъминлашда тежамкор технологияларни жорий этиш бўйича амалга оширилаётган ишларга катта аҳамият берилгани ушбу соҳа амалиётида муҳим аҳамият касб этаёганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, кейинги йилларда мамлакатимизда сувни тежашнинг бир қанча услублари ёрдамида босқичма-босқич зарур бўлган тадбирлар амалга оширилмоқда. Пахта, шоли каби сувни кўп талаб қилувчи экин майдонлари қисқартирилиб, ўрнига бошоқли дон, сабзавот-полиз экин ва боғ-узумзорлар майдони кенгайтирилди.

Олиб борилган ишлар натижасида сувни самарали бошқариш ва истеъмолчиларга ўз вақтида кафолатли етказиб бериш имконияти яратилмоқда, суғориш тармоқларидаги сувнинг техник йуқолиши ва фильтрацияси камайишига эришилмоқда.

Ўз навбатида бу, сув хўжалиги ва инновацияларининг тарихий зарурияти ҳамда бугунги амалиётда уларнинг уйғунлигига эришиш учун ҳаракат қилинаётгани мазкур йўналишдаги ислоҳотларнинг янгиланаётган Ўзбекистон тараққиётининг муҳим омилларидан бирига айланаётганидан далолат беради.

## АДАБИЁТЛАР

1. Вектор А.Д. Вода в Центральной Азии: прошлое, настоящее и будуще//UNESCO-140 бет.
2. Ўзбекистон миллий архиви, Р-65-фонд, 1901-1918 йй.11-варақ.
3. Ўзбекистон миллий архиви, Р-2408-фонд, 1-рўйхат, устки варақ.
4. Ўзбекистон миллий архиви, Р-2408-фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 1-варақ. 1-4-варақлар.
5. Реки и каналы Ташкента https://www.google.com/search?sxsrf= AOaemvLONWrj_PJPfoxERH7dkjX-XgGP8g:1635682635190&q
6. Вектор А.Д. Вода в Центральной Азии: прошлое, настоящее и будуще//UNESCO-142 бет
7. Ўзбекистон миллий архиви, Р-88-фонд, 1-рўйхат, 86-иш, 265-варақ
8. Ўзбекистон миллий архиви, Р-837-фонд, 5-рўйхат, 394-иш, 126-варақ
9. Ўзбекистон миллий архиви, Р-837-фонд, 5-рўйхат, 394-иш, 126-варақ
10. Юнусходжаев А. Подготовка сельскохозяйственных кадров в Узбекистане в годы первой пятилетки (1928-1932 гг.) Автореф.дисс.канд.ист.наук. Ташкент.1991г.
11. Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини 2020-2030 йилларда ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.